



Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

Авалло, буюк боболар қатори бу икки даҳога бўлган муносабат кейинги йилларда нафақат юртимизда, балки дунёда тубдан ўзгарди. Тўғрироғи, Президентимиз олиб бораётган тарихий адолат сиёсати бошқа мамлакат ва халқларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилиши, Андижонда Бобур шаҳри барпо этилиши баробарида кун кеча Покистоннинг Исломободда Бобур боғи бунёд этилгани оламшумул воқеадир. Башариятга намуна тарзида кўрсата оладиган маънавий хазина ўзига хос маърифий дипломатия бўлиб, миллатни танитишга, ҳурмат қилишга ва ҳисоблашшга асос бўлади. Бизнес қўлимизда ана шундай қудратли восита бор. Фақат бундан ўзимиз, айниқса, ёшларимиз тарафидан ҳис қилиб, чуқурроқ ўрганишимиз керак.

(8-саҳифада ўқинг.)

МУНОСАБАТ

БУЮК ТЕМУРИЙЛАР

Тарих шундай кўзгуки, унда миллатнинг нафақат ўтмиши, балки келажакдаги салоҳияти ҳам акс этади. Дунё харитасини ўзгартирган, илм-фан ва маданиятга ҳомийлик қилиб, Осиё, Африка ва Европа ўртасида олтин кўприк ўрнатган Соҳибқирон Амир Темур шахси халқимиз баробарида бутун башарият тарихининг ажралмас қисми-дир.

Мустабид тузум даврида Амир Темур шахсияти қасддан қоралангани, унинг жаҳон тамаддунидаги роли сохталаштирилгани сир эмас. Мустақиллик йилларида тарихий адолат қарор топди. Соҳибқироннинг муборак номи ва хотираси тикланиши халқимизнинг ўзлигини англашида туб бурилиш ясади.

Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларининг марказий майдонларида Соҳибқироннинг маҳобатли ҳайкаллари қад ростлади. Темурийлар тарихи давлат музейининг ташкил этилиши, "Амир Темур" орденининг таъсис қилиниши ва Халқаро Амир Темур жамоат фондининг фаолияти – буларнинг барчаси улғу аждодимизга бўлган юксак эҳтиромнинг амалий ифодасидир. Амир Темур асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган давр тарихга "Темурийлар Ренессанси" ёки "Иккинчи Уйғониш даври" номи билан кирди. Бу даврда Мовароуннаҳр илм-фан,



меъморчилик ва санъатнинг дунёвий марказига айланди. Соҳибқироннинг "Куч – адолатда" деган тамойили давлат бошқаруvinинг бош мезони бўлиб, бу барқарорлик ва юксалишни таъминлади. Уша даврда яратилган меъморий обидалар, Мирзо Улугбекнинг фалақийёт илмидаги кашфиётлари, Алишер Навоийнинг адабий мероси башариятнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиёти-

нинг янги босқичига – Учинчи Ренессансни барпо этиш даврига қадам қўймоқда. Бу жараёнда аждодлар ўғити ва темурийларнинг давлатчилик мактабини ўрганиш ҳаётий заруратга айланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 5 февраль кун қабул қилинган "Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллуд-

дининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарор юртимизда маънавий-маърифий соҳадаги ислохларнинг мантиқий давоми бўлди. Бу қарор шунчаки юбилей санасини нишонлаш эмас, балки миллий ўзлигини англаш, аждодлар олдидаги қарздорлик ва келажак авлод учун мустақкам маънавий пойдевор яратиш йўлидаги муҳим қадамдир.

(Давоми 2-саҳифада.)


14 ФЕВРАЛЬ - ЗАҲИРИДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

ШОИРЛАР ИЧРА ШОҲ, ШОҲЛАР ИЧРА ПОДИШОҲ

ШЕЪРИЯТ

Бобур шеъриятининг ўзига хослиги самимийлигида, шунингдек, барча бирдек тушуна олишидадир. Шоир лирикиси марказида муҳаббат ва ҳижрон, пок севгини улуғлаш, висол орзуси, вафодорлик мавзулари туради. Ҳар бир шеърида шоир ҳаётининг манзаралари акс этади. Шу боис, Бобур шеъриятини унинг биографияси сифатида баҳолаш мумкин.

Бобур ўзбек ва форс тилларида ижод қилган зулписонаин шоир. Бир рубоийсида ва "Бобурнома"нинг 1509-1510 йиллар воқеалари баёнида Самарқанд ҳокими Пўлот Султонга девонини юборганини таъкидлайди. Айни пайтга қадар "Бобур девони"нинг 10 та қўлёзмаси топилган бўлиб, кейинги тадқиқотларга кўра шоирнинг ҳали илм аҳлига маълум бўлмаган яна бир қўлёзма нусхаси ҳам мавжудлиги аниқ-



ланган. Бобур девонининг қўлёзма нусхалари бугунги кунда Англия, Франция, Ҳиндистон ва Туркия каби мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда.

(Давоми 2-саҳифада.)

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

АДАБИЙ КҮПРИК



Бельгия қироллиги пойтахти Брюссель шаҳрида ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига бағишланган адабий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизнинг Белгиядаги элчиси Ғайратбек Фозилов буюк мутафаккир шоирнинг умуминсоний қадриятлар тараннум этилган бебаҳо адабий меросини биргаликда ўрганиш Марказий Осиё ва Европа халқлари ўртасида маданий ва давлатлараро ришталарни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишини таъкидлади. Халқаро сайёҳликка йўналтирилган "Travel tomorrow" наشري асосчиси Антонио Бускардини эса Алишер Навоий Ўзбекистон маданияти, тили ва туризмнинг ўтмиши, бугуни ва келажакни боғлаб турувчи энг қудратли раамзлардан бири бўлиб қолаётганини алоҳида қайд этди. Туркий тилли давлатлар адабиёти ва маданияти бўйича мутахассис П.Бастиен ўзининг ўлмас асарлари воситасида замонавий ўзбек тилининг тамал тошини қўйган улғу шоир дунё адабиёти ва маданиятида залворли ўрин тутиши ҳақида сўз юритди. "EUReflect" наشري вакили, олимпиада Дарья Соисал ҳам Алишер Навоий меросининг беқиёс аҳамиятини таъкидлаб, шоир қаламига мансуб рубоийлардан ўқиб берди.

Тадбир қатнашчилари маданий дипломатиянинг миллатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш соҳасидаги беқиёс аҳамиятини улғу шоир ва давлат арбобининг фаолияти ва мероси мисолида яна бир қарра эътироф этдилар.

Шарифжон АҲМАД.
Брюссель

ДУРДОНА

Захириддин Муҳаммад БОБУР

Келтурса юз балони ўшал бевафо манго,
Келсун, агар юзумни эвурсам, бало манго.

Неткаймен, ул рафиқ билаким, қилур баса
Меҳру вафо рақибга жавру жафо манго.

Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг,
Чун бўлди ул парий сифатим ошно манго.

Оху ёшимдин ортадурур заъф, эй табиб,
Билдим ярашмас эмди бу обу ҳаво манго.

Дардим кўруб муъолажада зойиъ этма умр
Ким, жонда дардин ишқдурур бедаво манго.

То ёр кимни истару кўнглина ким ёқар,
Ташвиши бежihatдурур охир санго, манго.

Бобур бўлбтурур ики кўзум йўлида тўрт,
Келса не бўлди қошима бир-бир манго-манго.

ЯХШИЛАР ЁДИ

Саксондан ҳатлаган Жалил Султоновнинг вафот этганини кимдир билди, кимдир билмади. Аммо бу хабар қарийб ўн минг чақирим олисдаги Япония аҳлини ҳам ғамнок қилди. Ҳамкасблар билан таъзияга борар эканмиз, у ерда ўзимизнинг қорақўзлар қаторида япон дўстларимизни ҳам кўриб мутаассир бўлдик. Уларда, жигаридан айрилгандай ёш тўкарди. Икки халқ меҳрини қозонган бу инсон ким эди?



ОДАМИЙ ЭРСАНГ...

Гапни совет-япон урушидан бошлашга тўғри келади. Ушбу муҳораба Япония мағлубияти билан якунланади ва 600 мингдан ортқ аскар асир олинди, собиқ иттифок республикаларига сочиб юборилади. 1945–1950 йилларда Ўзбекистон ҳудудида ана шундай тақдир эгаларидан 23 минг нафарни астикомат қилган. Япон ҳарбий асирлари Фарҳод ГЭСи, Тошкент тўқимачилик комбинати, Марказий телеграф, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри биносини барпо этишда юксак меҳнат маданиятини намойиш этган.

Бошқа ҳудудлардан фарқли равишда, бизда японларга маҳбус эмас, му-

софир сифатида қаралган. Раҳбарлар ҳам имкон қадар зарур шарт-шароитларни яратиб берган. Халқимиз асирлар билан тез тил топишиб кетади, улар билан уйини, нонини баҳам кўради. Натижада кунчиқар юрт вакиллари серкўёш ўлкамизда деярли касаллик ва ўлим домига тушмайди. Уларни ватан соғинчи ва бўйнидаги асирлик тамғаси азобларди, холос.

Мусофирлар шу ҳолда ҳам ҳақиқий япон характерини намойиш этади. Ўзларига юклатилган вазифаларни астойдил, тартиб-интизом асосида, сифатли ва ишончли бажаради.

(Давоми 2-саҳифада.)

САФАРНОМА

КОБУЛ АЗИМАТИ



"ФАЗЛ ВА ХУНАР АҲЛИНИНГ МАСКАНИ"

Ҳар шаҳарки, инсон билан ободу барбод бўлур. Темурийлар даврининг дурдона шаҳарларидан бири бўлган Ҳирийда бир пайтлар санъат, адабиёт, мусиқа, хатотлик ва маъморлик гуллаб-яшнаган...

Қадамба-қадам кезиб кўрдимки, фақат Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, шоҳ ва шоир Хусайний, Ҳофиз Абури, тарихчи Мирхонд, мусаввир Камолиддин Беҳзод каби санокли ижодкорлардан ёдгорликлар қолган... Баъзан атрофга жонсарак аланглайман – "Маҷолис ун-нафоис" аса-

рида қаламга олинган 450 нафар шоир қани? Ҳар ҳолда, ҳазратимиз шоир деб тан олган бўлса, демак, пухтагина ёзганлар кўп ўтган. Улардан нима-лар қолди? Наҳот, тарих шунча бешафқат? Шуларни ўйлаб, замонавий Ҳирот кўчаларини туну кун сарбаст кездим. Бу ерда мамлакатнинг шимоллий вилоятларида бўлгани каби ўзбеклар кўп эмас. Ҳамроҳимнинг айтишича, улғу туркий боболарнинг ҳозирги авлодлари форсийга тўла ўтиб кетган. Аммо пешлаваҳаларнинг айримлари хурсанд қилди. Мисол учун бундоғ: "Темурийлар шифхонаси", "Ўзбеклар чойхонаси", "Фореб меҳмонхонаси"...

(Давоми 4-саҳифада.)



БҮЮК ТЕМУРИЙЛАР

Бошланиши 1-саҳифада.

Шу билан бирга, айна кунларда мамлакатимизда сўз мулкнинг султони Мир Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд айёмлари юқори савияда нишонланмоқда. Ушбу занжирнинг давоми сифатида Амир Темур юбилейга тайёргарлик кўрилиши Ўзбекистоннинг ўз тарихий илдиэларига содиқлигини, Турон тамаддунининг вори-си эканини дунёга яна бир бор намойиш этмоқда.

Амир Темур шахсига қизиқиш ҳеч қачон сўнмаган. Дунёнинг нуфузли кутубхоналарида Соҳибқиронга бағишланган минглаб асар сақланади.

Амир Темурнинг тарих олдидаги энг биринчи ва буюк хизмати қарийб 150 йил давом этган мўғул истибодига чек қўйганидир. У нафақат Мовароуннаҳрни, бугунги Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Покистон ва Озарбайжон каби ўндан ортқ давлатлар ҳудудини мўғуллар асоратидан озод қилди. Бу халқларнинг миллий ўзлигини сақлаб қолиши ва давлатчилигини тиклашида Темурнинг қилчи адолат қуроли бўлиб хизмат қилди. Ўз таркибига Осиё, Европа ва Африка қитъаларидан 30 га яқин давлатни қамраб олган, 4 миллион квадрат километр майдонни эгаллаган Соҳибқироннинг улкан салтанати Ҳиндистон ва Хитой чегарала-

ридан Қора денгизгача, Сирдарёдан Форс қўлтигигача бўлган улкан ҳудудда тинчлик ва иқтисодий барқарорликни таъминлади. Бу жаҳон тарихидаги энг қудратли ва мукамал бошқарилган давлатлардан бири эди.

Ҳарбий санъат тарихида Амир Темурга тенг келадиган қўмондонни топиш мушкул. У 1370 йилдан умрининг охиригача – 35 йил давомида Турон давлати қатнашган барча уруш ва жангларда ғолиб чиқди. Амир Темурнинг улғу сифати шундаки, у фақат фотиҳ эмас, балки буюк бунёдкор ва маърифатпарвар эди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Шарқда “Иккинчи Ренессанс” даври бошланди. Пойтахт Самарқанд дунёнинг илм-фан ва маданият марказига айланди. Темурийлар даври маданияти ва санъатининг таъсири инсоният маънавий оламида олти юз эллик йилдан ортқ вақт давомида порлаб турибди. Шу нуқтаи назардан, Амир Темур қолдирган мерос – бугунги Янги Ўзбекистон учун Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда асосий куч ва илҳом манбаидир.

Президент қароридеа темурийлар меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш вазифаси қўйилгани бежиз эмас. Бугунги кунда “Темур тузуқлари” нафақат давлат бошқаруви санъати, балки инсонийлик, адолат ва интизом дарслиги сифатида ҳам хизмат қилмоқда. Буюк Темур давлатни ташкил этиш ва бошқаришнинг мутлақо янги сиёсатини яратди, яъни ўз

даврининг адолатли ва прогрессив давлат сиёсати назариясини ишлаб чиқди ва уни амалиётга жорий этди.

Қарор билан темурийлар даври илмий меросини тизимли ўрганиш, нодир қўлёзмаларни аниқлаш ва уларни рақамлаштириш каби вазифаларнинг белгиланиши тарих илмида янги саҳифа очади. Замонавий электрон платформаларнинг яратилиши ва халқаро микёсда илмий анжуманлар ўтказилиши – Ўзбекистоннинг “маданий дипломатия”сини янги босқичга олиб чиқади.

Бугунги тез ўзгараётган глобаллашув даврида, турли мафкуравий таҳдидлар авж олаётган шароитда ёш авлод қалбидеа миллий ғурурни шакллантириш ҳаётий заруратдир. Амир Темур сиймоси бу борада энг мустаҳкам қалқон вазифасини ўтайди. Бобомизнинг жасорати, қатъияти ва маърифатпарварлиги ёшларимиз учун ҳақиқий ибрат мактаби, десак, адашмаган бўлаемиз.

Президент қарорига қўра, Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган ҳиссасини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Буюк темурийлар” атамасининг халқаро илмий истилоҳ сифатида жорий қилинишини таъминлаш, юртимизда ва хорижий давлатларда халқаро конференциялар, тақдиротлар, медиа тадбир ва анжуманлар ўтказиш, “Темур тузуқлари” асарининг илмий изоҳли матинини форс, араб, хитой, инглиз, фран-

цуз, испан ва рус тилларида чоп этиш, “Темурийлар даврининг 100 нодир қўлёзмаси”, “Темурийлар даврининг 100 нодир дурдонаси” китоб-альбомларини яратиш, хорижий давлатларда сақланаётган асл ёзма манбалар нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш, “Тирик тарих” лойиҳасида суратта олинган Амир Темур даврига оид бадий ва ҳужжатли фильмларни хорижий мамлакатларда намойиш этиш, ҳар йили апрель ойини “Амир Темур ойлиги” деб эълон қилиш, барча таълим масканлари, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда маърифий тадбирлар уюштириш каби вазифалар ҳам тарихимизни ўрганиш ва уни бутун дунёда тарғиб этиш ишига хизмат қилади.

Соҳибқирон Амир Темурга эҳтиром – бу бизнинг бирлигимиз, ватанпарварлигимиз ифодаси, келажакдаги улғу мақсадларимиз сари ташланган қадамдир. Буюк бобомизнинг мунаввар сиймоси бизга миллий ғурур, қатъият ва адолат туйғусини бахш этади. Соҳибқирон меросини ўрганиш орқали биз нафақат ўз тарихимизни улғулаймиз, балки Янги Ўзбекистоннинг ёруғ истиқболи учун мустаҳкам маънавий қувват олаемиз, шу асосда, буюк аجدодларга муносиб ворис бўлишга, улар яратган тараққийоти янги босқичга олиб чиқишга масъул эканимизни чуқур ҳис қилаемиз.

Жамолiddин БАДАЛОВ

ШОИРЛАР ИЧРА ШОҲ, ШОҲЛАР ИЧРА ПОДИШОҲ

Бошланиши 1-саҳифада.

КОМУСИЙ АСАР

Буюк мутафаккир илмий-ижодий мероси нафақат миллий маданият-тимиз ва халқимиз адабий-эстетик тафаккури шаклланишида, балки жаҳон адабиёти, илм-фани ва давлатчилиги тарихида алоҳида уринга эгадир. Унинг қомусий асари “Бобурнома”да катта бир давр тарихи му-жассам.

Асар қимматини оширадиган жиҳатлардан бири, унда бир ярим мингдан зиёд шахс номи зикр этилган. Айниқса, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлига кенг ўрин берилган алоҳида эътиборга молик. Шунингдек, Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон халқларининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, шу мамлакатлар географияси, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси тўғрисида жуда кўп маълумот келтирилади.

Асар ўз характери билан нафақат туркий тилдаги тарихнавислик – мемуарчиликда фақуллода ҳодиса, балки Шарқ маданияти тарихида ҳам ажойиб янгилик, нодир адабий манба сифатида ардоқлидир. Шу сабабли у XVI асрадаёқ бир неча марта форс тилига таржима қилинди, кейинчалик Европа тилларида бир неча бор нашр этилди, батафсил ўрганилди. Асар шу кунга қадар йигирмадан ортқ тилга 40 мартадан зиёд таржима қилинган бўлиб, уларнинг ҳар бири турли йилларда қайтадан чоп этилган. Умуман, Бобур асарлари ҳақида минглаб илмий асар ёзилган.

“Бобурнома”нинг XVI–XX асрларда кўчирилган 17 та қўлёзмаси маълум, улар асосида муҳим илмий тадқиқотлар бажарилган. Дунё олимларининг Бобур ва бобурийларга бўлган юксак эҳтиромини юзлаб нодир тарихий, илмий-адабий манбалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

ИЛМий-АДАБИЙ МЕРОС

Бобурдан бизгача бешта асар: “Бобурнома”, “Девон”, “Мубайин”, “Аруз рисоласи” ва “Рисолайи волидия” етиб кетган. Мусиқа ва ҳарб ишига оид асарлари бугунга қадар топилмаган.

Бобур янги ёзув кашфиётчиси ҳам эди. Йигирма ёшида “Хатти Бобурий”ни кашф қилган. У “Бобурнома”нинг бир неча ўрнида, шунингдек, бир шеърда ўзи яратган ёзув ҳақида тўхталиб ўтади. Аммо бобуршуносликда ушбу хат билан боғлиқ тадқиқотлар кўп эмас. Бу борада мамлакатимиз олимларидан ташқари, Афғонистон, Эрон, Англия, Франция, Япония, Россия, Ҳиндистон, Туркия ва Покистон олимлари тадқиқот олиб борган.

Бобур отаси йўлидан бориб, машхур сўфий – Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга илҳос қўяди ва унинг тариқати руҳида воёга етади. Умрининг охирига қадар шу эътиқодга содиқ қолади. Кейинчалик, “Бобурнома”да Хожа Аҳрор руҳи бир неча бор уни муқаррар ҳалокатдан, хасталик ва чорасизликдан халос этгани, оғир шароитларда раҳнамолик қилганини таъкидлайди. Хожа невараларидан икки киши Бобур хизматида бўлган. Айниқса, Хожа Калоннинг Бобур билан қадрдошлиги бир умрлик хизмати билан изоҳланади. Бобур Хожа Аҳрорнинг форс тилида насрда ёзилган “Волидийа” асарини шеърый усулда ўзбек тилига жами 243 байт қилиб таржима қилган. Хуллас, Бобур бир умр шариатпаноҳ ҳукмдор бўлиб яшаганини асарлари ва бошқа тарихий манбалардан билиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА БОБУРШУНОСЛИК

Мамлакатимизда Бобур шахсини элга танитиш, бу буюк сиймо асарларини илмий тадқиқ этиш жараёнида жаҳидларнинг ўрни катта бўлди. Бу ишга Шокиржон Раҳимий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Қодирий каби маърифатимиз фидойилари ўзига хос ҳисса қўшди. Шокиржон Раҳимийнинг 1923 йилда “Билим ўчоғи” журналида босилган “Заҳриддин Муҳаммад Бобур” мақоласи ушбу йўналишдаги илк тадқиқотлар сирасига кирди. Авлонийнинг Афғонистон халқ маорифи вазирини, сўнг совет иттифоқининг Афғонистондаги элчиси вазифасида хизмат қилган даври воқеалари акс этган “Саёҳатнома” асарига Боғи Бобурни зиёрат қилгани ва улғу шоир ҳақидаги ўй-кечинмалари баён этилган. Албатта, Абдулла Қодирийнинг “Уткан кунлар” романида “Бобурнома” асари эслаб ўтилиши ҳам асло тасодиқ эмас эди.

Бобур шеърини Чўлпон ижодида таъсир этганига оид кўплаб мисоллар бор. Фитрат томонидан 1928 йилда нашр этирилган “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида Бобурнинг 31 ғазали, 2 маснавийси, 28 рубоийси ва “Бобурнома”дан парчалар киритилгани ўша давр учун тарихий воқелик бўлган. Отажон Хошимнинг ушбу китобга ёзган сўзбошида ҳам Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида кўп маълумот бериб ўтилган.

Қонли қатагон йиллари, Бобур номи ва унинг ижодидаги муносабат яхши бўлмаган замонларда “Литературная энциклопедия” (1937) китобига Олим Шарофиддинов ва Сотти Хусайн томонидан “Ўзбек адабиёти” номли мақоланинг ёзилиши ва унда Бобур ижодида оид энг муҳим ва холис илмий баҳо берилгани ўз даври учун катта жасорат бўлган. 1958 йили Андижон давлат педагогика институти ректори, шоир ва адиб Абдуманнон Эгамбердиев ташаббуси билан Бобур таваллудининг 475 йиллиги тантаналарини ўтказишга ҳофиз Фахриддин Умаров Бобурнинг “Жамолнинг васфини, эй ой, неча элдин эшиттаймен” деб бошланувчи ғазалини илк бор ижро этган.

“Бобурнома”ни танитишда Фитрат тадқиқотларининг аҳамияти катта. Манбаларга қўра, унинг ўндан ортқ илмий асар ва қўлланмаларида Бобур номи тилга олинади. Жумладан, “Адабиёт қондалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилар учун қўлланма” (1926) дарслигида Бобур ва унинг ижоди ҳақида янги давр ўзбек адабиётшунослигида биринчи бўлиб маълумот берилган. “Ўзбек адабиёти намуналари” (1-жилд, 1928) мажмуасида “Бобурнома”нинг Ҳиндистон қисми тадбир этилиб, Ўзбекистонда илк марта нашр қилинган. “Адабиёт қондалари” китобидеа энг кўп мисол ҳам Бобур ижодида келтирилган. Фитрат, шунингдек, “Аруз ҳақида” (1935) рисоласида туркий арузнинг хусусиятларини тушунтирар экан, Бобурнинг ҳам аруз назарийчиси, ҳам арузнинг гўзал вазнларида шеър бита олган ҳассос шоир эканини алоҳида эътироф этади.

Жаҳидларнинг тадқиқотлари кейинги давр бобуршунослик илмининг ривож топишига асос бўлиб хизмат қилди. 1944 йили Москвада П.П.Петров “Бобурнома” тарихий манба сифатида, 1948 йили С.Алиев “Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг шеърый ижодиёти”, 1949 йили С.Азим-жонов “Умаршайх ва Бобурнинг Фарғона улуси”, 1954 йили Г.Благова “Характеристика грамматического строя (морфологии) староузбекского литературного языка конца XV века по “Бабурнаме” мавзусида номзодлик диссертацияларини ёқлади.

Шундан сўнг, ўзбек ва бошқа туркий тилли республикалар адабиётидеа диссертациялар сони орта бошлади.

Шуҳрат ҲАЙИТОВ,
филология фанлари доктори

ОДАМИЙ ЭРСАНГ...

Бошланиши 1-саҳифада.

“Биз барибир бир кун кетамиз, қолганлар нима қилса ўзи билади”, деган кайфиятга берилмайди. Ҳар бир объектга масъулия билан ёндашиб, ўз имзосини қолдиради.

Мағруб йиллари давомида ўзбеклар орасидан оғани, дўст-ёрлар ортиради. Меҳр кўргизган мардумларга бежирим ва бетакор совғалар ясаб беради. 1950 йилларда сиёсий вазият юмшаб, япон асирлар ватанига қайтиб кетгач, бу буюмлар қимматли ёдгорлик бўлиб қолди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Япония билан ҳам дўстлик алоқалари ўрнатилди. Тарихий муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Мутахассислиги муҳандис, қилчозлик бўйича спорт устаси бўлган Жалил Султонов 1998 йили дунё давлатлари тажрибасида назари йўқ ишга қўл урди. Тошкент шаҳрида, ўз уйида япон аскарлари хотира музейига асос солди. Бу ишга давлат буюртмаси ё кимнингдир ундови билан эмас, виждон амри билан қўл урди. Бунинг учун шахсий маблағи ва мулкни аямади.

Аммо қамров чегараси сабаб бу музей учун маълумотлар ҳам, экспонатлар ҳам жуда тор доирада мавжуд эди. Энг мураккаб жиҳати, мустамакчилар келгусида ўзини оқлаш учун асирлар ҳақидаги ҳужжатларни яширган ёки қасддан ўзгартирган, бўяган, ёлғон аралаштирган. Уларни топиш, аниқлаш ва ҳақиқатни юзга чиқариш учун неча минг саҳифалик архив ҳужжатларининг чангини ютиш, роҳат-фароғатда ўтказиш мумкин бўлган кексалик даврини мана шу машаққатли ишга бағишлаш керак эди. Жалил Султонов ана шу қийинчиликлардан чўчимай, дадил ишга киришди. Гўё тупроқдан тиллони ажратиб олди.

Вақт ўтиб, Тошкент, Бекобод, Чирчиқ, Ангрен шаҳарларидан япон асирлари ҳақида қимматли фактлар ва уларга тегишли буюмларни жамлаб, музейни бойитди. Бугунги кунда кўргазмадан Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Ўзбекистонда яшаган япон фуқаролари ҳаётини акс эттирувчи 21 та экспонат ва 200 дан ортқ фотосурат ўрин олган. Балки экспонатлар санаоғи оз қўринар, лекин салмоғи шу қадар эканки, таърифу тасвифи Япония императоригача етиб боради. Япон халқи бу маскан борлигидан хабардор бўлгач, музей ташкилотчисига чексиз ҳурмат-эҳтиромини билдиради. Бир вақтлар асирликни бошдан кечирган, ҳали ҳаёт бўлган фуқаролар Ўзбекистонга кела бошлайди. Оғир йилларда японлар билан муносабатда бўлган юртдошларимиз ҳам ушбу даргоҳнинг азиз меҳмонига айланади.

Жалил Султонов Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаи учун Япониянинг “Кўтарилган кўёш: олтин ва кумуш нурлар” императорлик орденига лойиқ қўрилди. Ўзбекистоннинг “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланди. Давлат мукофотини шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қўлидан қабул қилиб олди. Бу эътирофлар икки давлат ўртасидаги халқ дипломатиясининг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилади.

Ушбу музей фақат икки халқ ва давлат ўртасидаги маънавий кўприк эмас, балки дунёга уруш ва мустамак-



қачиликнинг даҳшатли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи барҳаёт ровийдир. Уткир Хошимов “Икки эшик ораси” асарига ёзилган сўзбошида таъкидлаганидай: “Уруш фақат оқолдаги жангчиларнинг жонига чанг солиб қолмади. Минглаб чакрим наридаги одамларни ҳам синовдан ўтказди. Мушкул дамларда имонини, инсонлигини сақлаб қолган ота-оналаримиз, ака-опаларимизнинг ҳаёти



бугунги замонда бизга ўрناк бўлса, не ажаб! Саид Аҳмадининг “Офтобойим” ҳикояси, Одил Ёкубовнинг “Қайда-сан, Морико?” қиссасида япон халқининг уруш давридаги буюк матонати, ички кечинмалари акс этади. “Улғу Амир ва донна Мария” фильмида ушбу музейга алоҳида уруғ

берилган. Музей ҳам аслида санъат асари, ноёб дурдонна. Уни ўқий олсак, бас!

Бугун Жалил Султонов орамизда йўқ. Аммо у йиллар давомида ўз ишининг моҳиятини фараздларни, неваралари онига синдира олди. Хусусан, невараси Рисолат Султонова музей директори ўринбосари сифатида сўнгги йилларда бобосининг суянчига айланди:

– Бобом шижоатли, қизиқувчан, чарчамайдиган, кўнгли тоза, билимдон инсон эди. “...эди” деб айтиш қанчалик оғир. Ҳеч қачон бир манзилда тўхтаб қолмасди, ҳеч бир ишни чала қолдирмаган. Мақсадлари шу қадар катта эдики, баъзан “24 соат менга кам”, дерди. Биров ҳақида ёмон гапирмасди, ҳатто душманларига ҳам омад ва бойлик тиларди. Бобом бизга катта мерос қолдириб кетди. Бу шунчаки маданий объект эмас, балки Жалил отамнинг умридан бутун бир давр. Келгусида музейни янги экспонатлар билан бойитиш, юртимизда бўлган япон асирлари, уларнинг авлодлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, музейни ЮНЕСКО рўйхатига қўшиш, бобомнинг мавзуга доир ишлаган фильмининг давом эттириш режамизда бор.

Дунёда қуёш битта, лекин инсон қалби чексиз, унда қанча қуёшлар сузиб юради. Улардан бири – хотира қуёши. У нафақат ўтмишни ёритади, балки бугунга ҳарорат, келажакка чароғдон бўлади.

Бир қарашда жаҳид боболар йўли қатагон йиллари кесилгандай кўринади. Аслида бу қутлуғ ҳаракат турли кўринишда, турфа инсонлар тимсолида яшаб келаётир. Бундоқ қараганда дунёнинг терс томонида туғилган, ҳеч бир жиҳатдан манзили кесимшайдигандай туюладиган жаҳрдийдаларга бетаъма ёднома барпо қилиш, марҳумлар хотирасини мангу эъзозлаш каби савоб ишни бугунги дунё қайси андозага солади, қандай ўлчовларга тортади? Бундай одамийлик намунасини Мир Алишер Навоийга маънавий мурид бўлган, фидойи жаҳидларга содиқ издош бўлган ҳазрати инсонгина амалга оширади. Жалил отанинг ибратли умри одамгарчилик мезонларини умум-башариат инсонийлиги рутбасига қадар юксалтирди.

“Одамий эрсанг, демагил одами...”

Отабек БАХТИЁР





ОГОҲЛИК

“Экстремистик мафкура ва ғоялар ижтимоий тармоқлар, видеороликлар ва адабиётларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва тарқатиш орқали жамиятга, айниқса, ёшларга салбий таъсир кўрсатмоқда... Тақиқланган диний материалларнинг Интернет тармоғида тарқалишининг олдини олиш бўйича ишлар самарадорлиги етарли даражада эмаслиги бундай материалларни сақлаш ва тарқатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлмоқда”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

“Янги Ўзбекистон стратегияси”

ЭНДИ ФРОНТ ЧИЗИГИ ЙЎҚ

Бугун нафақат Ўзбекистон, балки жаҳондаги бошқа давлатлар ҳам кенг қамровли хавфсизлик масаласи ечими юзасидан турли чора-тадбирлар устида бош қотирмоқда. Негаки, бугунга келиб, бу тушунча янги мазмун касб этди. Энди давлат тинчлиги, фаровонлиги ва тараққиёти ҳудудий яхлитлик ёки иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда, жамиятнинг маънавий-мафкуравий ҳолатига, қадриятлар тизими ҳамда фуқаролар онгидаги барқарорликка бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Шу нуқтаи назардан, “энди фронт чизиги йўқ” деган сўз тизгинсиз туйғуларга таянган мулоҳаза эмас, замонавий геосийёсий воқеликнинг аниқ ифодаси, дейиш тўғрироқдир.

Бугунга келиб ахборот, таълим, маданият, дин ва яна бирталай ижтимоий омиллар воситасида инсон онги, жамоатчилик фикри ҳамда маънавий муҳитни шакллантириш ва бошқариш имконияти янада осонлашди. Когнетив уруш – инсон онги, идрок, фикрлаш усули ва қарор қабул қилиш жараёнини ўзгартиришга қаратилган мақсадли таъсирлар мажмуасидир. У классик ҳарбий урушдан фарқи равишда, ахборот, ғоя, талқин, раъзий ва психологик усуллар орқали амалга оширилади. Гибрид таҳдид – бу бир вақтнинг ўзига бир нечта турдаги таъсир ва босим воситаларини уйғун ҳолда қўллаш орқали давлат, жамият ёки муайян гуруҳни беқарорлаштириш, заифлаштириш ёки бошқаришга қаратилган комплекс таҳдиддир. Аслида, ҳануз тўхтамаган, кундан-кун янгира шакл ва қўрнишларда давом этаётган бу хатарлар билан юзма-юз келмаган давлат ҳам, жамият ҳам йўқ ҳисоби.

Глобал ахборот маконида кузатилаётган маънавий-мафкуравий барқарорликка таҳдид ўта жиддий стратегик хатардир. У халқ ва инсон онгини нишонга олади, шу орқали жамиятга ҳам, суверенитетга ҳам таҳдид қилади.

ГЕОМАЪНАВИЙ ТАҲДИД ВА ХАВФСИЗЛИК

Онги забт этиш, бўйсундириш ва бошқаришнинг турли усуллари мавжуд. Бундай усулларнинг барчасини яхлит ҳолда “геомаънавий таҳдид” атамаси билан ифодалаш мумкин.


Халқ, инсон онги, Ватан ва суверенитет учун муқаррар хавф туғдирадиган геоманънавий таҳдидлар кураш ҳудудига аввало ахборот хуружи орқали кириб келади. У муайян геосийёсий манфаатларни қўлаб, қадриятлар, қарашлар ва тушунчалар тизимини ўзгартиришга хизмат қилади. Бу жараёнда бузғунчи ғоялар “оддий фикр” кўринишида жамоатчилик онига сингдириб борилади. Натижада, миллий қадриятлар, тарихий хотира ва аънавий қарашларнинг аҳамияти сусайиб, жамиятда ишончсизлик, кутблашу ҳамда маънавий бўлиш юзга келади. Ёшларда танқидий фикрлаш етарли бўлмаган шароитда бу таъсир янада самарали кечади.

Геоманънавий ахборот хуружининг жамият барқарорлиги ва миллий бирлик учун хавфли оқибатлари бор экан, унга қарши тизимли ёндашув зарурати сифатида геоманънавий хавфсизлик масаласи кун тартибига чиқади. Геоманънавий хавфсизлик ахборот хуружи ва мафкуравий таҳдидлар шароитида жамият ҳамда давлатнинг маънавий-мафкуравий барқарорлигини ҳимоя қилишга хизмат қиладиган чора-тадбирлар тизимидир. У глобал ахборот муҳитида миллий қадриятларини, динни, тарихни ҳамда дунёқарашни ташқи ва ички таъсирлардан муҳофаза қилишни, фақат ахборот соҳаси билан чекланмай, маърифий, ижтимоий-сиёсий ва институционал механизмларни қўллашнинг ҳам назарда тутадиган комплекс ёндашувдир.

Геоманънавий хавфсизлиكنи таъминлашда фақат реактив ҳимоя (таҳдидли таъсирга тезкор, онгсиз равишда жавоб бериш орқали ҳимояланиш, масалан, танқид қилинган инсоннинг дарҳол баҳсга киришиб кетиши) чоралари билан чекланиб қолмаслик лозим. Чунки бундай таҳдидлар аксар ҳолларда тўғридан-тўғри босим ёки очик қақариқлар билан эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг табиий соҳаларига сингдирилган таъсир механизмлари орқали амалга оширилади. Бундай таъсир кўпинча жамият томонидан оддий ахборот, диний қақариқ, маърифий тадбир, маданий алоқа ёки таълим соҳасидаги ҳамкорлик сифатида қабул қилиниши мумкин. Шу сабабли, геоманънавий хавфсизлиكنи таъминлашда ташқи ғоявий таъсирлар қандай йўллар орқали, қайси соҳалар воситасида ва қай даражада амалга оширилаётганини чуқур англаш талаб этилади.

ТАЪСИР МЕХАНИЗМЛАРИ

Геоманънавий таъсир механизмлари ичида инсон онги ва жамоатчилик фикрига узоқ муддатли ва барқарор таъсир кўрсатиш имко-



(1-мақола)

ОНИНГ КЕЛАЖАКНИ БЕЛГИЛАЙДИ

ниятига эга бўлган соҳалардан бири таълим тизимидир. Таълим жамиятнинг келажакдаги интеллектуал қиёфасини, кадрлар салоҳиятини ҳамда қарор қабул қилувчи элита таркибини шакллантирадиган стратегик институт ҳисобланади.

Таълим соҳасидаги ташқи таъсир қисқа муддатли ахборот реакцияси эмас, узоқ давом этувчи ва тизимли жараёндир. Бу таъсир ижтимоийлашув, билим стандартлари, ўқув дастурлари ва академик муҳитни шакллантириш билан амалга ошади. Натижада, у жамият фикри ва интеллектуал кун тартибига билвосита, аммо чуқур таъсир кўрсатади. Агар мазкур жараён мувофиқлаштирилган ҳолда тартибга солинмаса, мамлакат ичида хорижий стипендия, грант, тил курслари, академик алмашинув дастурлари ҳамда таълим муассасалари кўмагида муайян ташқи таъсир марказларининг босқичма-босқич кучайиши рўй беради. Бу эса ташқи таъсирнинг институционал шакли сифатида ўқув-тарбия жараёни орқали ёт дунёқарашни шакллантириш, янги стандартлар, ўзгача билим мезонлари ва бегона қадриятлар тизимининг жорий этилишига олиб келади.

Шу маънода, таълим орқали кўрсатилаётган таъсирни “эртанги фикр ва қарор қабул қилиш муҳити”ни тайёрлашга қаратилган стратегик восита сифатида баҳолаш лозим. Чунки таълим соҳасида шаклланган қарашлар ва қадриятлар вақт ўтиши билан давлат бошқаруви, ижтимоий муносабат ва сиёсий қарорларга ҳам таъсир кўрсатади. Мазкур жараён натижасида интеллектуал қарамлик, академик кун тартибининг ташқи марказларга боғланиши, миллий мактаблар ва таълим-тарбия аънавларининг заифлашуви ҳамда қадриятлар трансформациясини қамраган таҳдидлар юзга келади.

Жамоатчилик кайфияти ва онга таъсир кўрсатувчи муҳим йўналишлардан яна бири маданий дипломатиядир. У “юмшоқ куч” стратегияси доирасида фестиваллар, тил курслари, адабий тадбирлар, кино ва мусиқа маҳсулотлари намойиши, грантлар, ижодий дастурлар ҳамда маданий марказлар кўмагида амалга оширилиб, тўғридан-тўғри босим ёки мажбурлаш усуллари сиз жамият онгида эмоционал мойиллиكنи шакллантиради. Натижада муайян бир давлат, халқ ёки маданий маконга нисбатан хайрихоҳлик, ишонч ва ижтимоий яқинлик ҳисси юзга келади. Айрим ҳолларда маданият сиёсий мақсадларга хизмат қилувчи воситага ҳам айланиб, “бирлик”, “умумий тарих” ёки “қадриятлар муштараклиги” каби тушунчалар билан муайян геосийёсий мақсадларнинг мафкуравий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилиши мумкин.

Дин воситасидаги ташқи таъсир ҳам аҳоли дунёқараш, ахлоқий мезонлари ва маънавий қадриятларига бевосита дахлдор бўлгани жиҳатидан, геоманънавий таҳдидлар тизимида энг таъсирчан ва узоқ муддатли омиллардан бири ҳисобланади. Турли диний инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, хайрия ва ижтимоий ёрдам лойиҳалари, диний таълим ҳамда маърифий фаолият билан жамиятда ишонч, маънавий яқинлик ва ижтимоий легитимлиكنи шакллантириш мумкин, бироқ геосийёсий рақобат шароитида айнан шу ҳолат диний соҳани сиёсий ва мафкуравий манфаатлар учун восита сифатида қўллаш хавфини ҳам оширади.

Дин сиёсийлашиб, муайян ғояга, ҳаракат ёки ташқи манфаатларга хизмат қилувчи воситага айланган, давлат ва қонун устуворлиги тамойиллари заифлашиб, жамиятда ҳуқуқий мейёрлар эмас, муайян диний талқинлар бирламчи аҳамият касб эта бошлайди. Бу эса давлат асосларига нисбатан ишончнинг сусайиши, ҳуқуқий онгининг заифлашуви ва ижтимоий муносабатларда кутблашуving кучайишига олиб келади. Натижада радикаллашув жараёнлари тезлашиб, конфессиялараро ишончсизлик, тоқатсизлик, ижтимоий кескинлик учун маънавий-психологик муҳит шаклланади.

Бугунги ташқи ғоявий таъсирлар бир мар-

талиқ кампания эмас, узоқ муддатли, тизимли ва барқарор жараён сифатида майдонга кириб келмоқда. Шу боис, бундай таҳдидларни ҳамда уларни келтириб чиқараётган ташқи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш жуда муҳим. Чунки ташқи таъсир механизмлари қандай ишлаётганини билмай туриб, самарали ҳимоя стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин эмас. Ахборот билан боғлиқ таъсир механизмларида кўйидаги бир қатор ташқи омиллар бор.

Биринчи ташқи омил шуки, глобал ахборот маконида амалий жиҳатдан ҳудудий чегаралар мавжуд эмас. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатган контент давлат чегараларини инобатга олмайди. У қисқа вақт ичида барча мамлакатларга кириб боради. Айнан шу ҳолат ахборот таъсирининг тезкорлиги ва оммавийлигини кескин ошириб, уни назорат қилиш ва ҳимояланиш механизмларини мураккаблаштиради. Бундай ҳолат иккинчи ташқи омилга кенг йўл очади. Иккинчи ташқи омил ғоявий таъсирнинг кенгайиб бориши билан боғлиқ. Бу таъсир кўп ҳолларда суверенитет, миллий ўзлик ва тарихий хотирага нисбатан ишонч сусайтиришга қаратилган ахборот босимида кўринади. Жамоатчилик онгида суверен давлатчиликни шартли, нисбий ёки “кимнингдир таъсир доирасидаги макон” сифатида қабул қилишга ундайди. Бу эса муайян давлат ёки минтақанинг давлатчилик модели, тарихий легитимлиги ва миллий ўзлигини шубҳа остига қўяди.

Учинчи ташқи омил сифатида глобал ахборот майдонида медиа марказлар ўртасидаги тенгсизлиكنи алоҳида кай эътибор лозим. Радиокалистик, экстремистик, террористик, ксенофобик, империалистик ва шовинистик ғояларни илгари суришга хизмат қилувчи айрим хорижий таъсир марказлари молиявий, технологик ва ташкилий ресурсларни юқори даражада жамлагани билан ажралиб туради. Масалан, “Ал-Қоида” халқаро террористик ташкилотининг электрон журнали, ИШИДнинг тармоқланган медиа инфратузилмаси, шунингдек, айрим махдуд йирик ахборот тизимлари аниқ мақсадга йўналтирилган қатъий нарративлар асосида контент ишлаб чиқаришда тезкорлик, кўп тилли аудиторияни қамраб олиш, тарқатиш инфратузилмасининг кенглиги ва алгоритмлар орқали омалаштириш имкониятлари билан устунликка эга. Бундай шароитда глобал ахборот оқимида ташқи манбаларнинг салмоғи ошиб, маҳаллий ахборот тизимлари учун рақобат муҳити янада мураккаблашади. Айниқса, ресурс чекловлари мавжуд бўлган миллий медиа марказлар аудитория эътибори учун глобал платформалар билан рақобатда қийинчиликларга дуч келади.

Глобал ахборот муҳитидаги яна бир ташқи омил платформалар алгоритмининг ишлаш мантиғи билан боғлиқ. Аксар кишиларга маълумки, рақамли платформалар таҳлилий ё маърифий материаллардан кўра, аудиторияда кучли эмоционал реакция уйғотувчи контентлар тезкор омалаштиради. Экстремистик ғоя ташувчилари эса шу хусусиятдан самарали фойдаланади. Натижада роликлар, таъсирчан сарлавҳалар, соддалаштирилган шiorлар ва қарама-қарши образларни ўзида жо қилган контентлар интернетда кенг омалашади. Бундаги хавф ҳам шунда: ҳуқуқий давлат тамойилларига зид равишда, диний тушунча ва қарашларни мутлақ устун қўяётган медиа маҳсулотларнинг омалашётганидир. Бундай контентларда қонун устуворлиги эмас, субъектив диний талқинлар “энг олий мезон” сифатида кўрсатилади. Оқибатда, диний эътиқоднинг манипулятив талқин қилиниши ва давлатчилик асосларига қарши йўналтирилиши улкан муаммоларни юзга келтиради.

Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, айрим ҳолларда TikTok, Instagram Reels ва YouTube Shorts каби қисқа видео форматларининг таъсири тўлиқ метражли бадий ёки ҳужжатли фильмлардан ҳам кучли бўлиши мумкин. Ради-

кал ва экстремистик тарғиботда ҳам айнан шу форматлардан фаол фойдаланилади. Хавфли ғоялар кўпинча “кувнок”, “оддий ҳаёт ҳақиқати” ёки “шахсий тажриба” кўринишида “юмшатирилган” ҳолда тақдим этилади. Натижада аудитория бу каби мазмунни дарҳол хавф сифатида қабул қилмайди. Бу ҳолат “яширин радикаллашув” деб аталадиган механизмни юзга келтиради ва радикаллашуving яширин, босқичма-босқич юзга чиқаради.

ҚҮТБЛАШУВ ВА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ЗАИФЛАШУВИ

Яширин радикаллашуving келтириб чиқарадиган контентларнинг кенг тарқалиши жамиятнинг бир қатор салбий ижтимоий оқибатларга олиб келади. Биринчидан, жамоатчилик ичида кутблашув кучаяди. Турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида муросасизлик ортиб, бағрикенглик ва мулоқот маданияти йўқолиб боради. Биринини онлайн ҳақорат қилаётганлар бунга яққол мисол. Иккинчидан, ҳуқуқий онг заифлашади. Давлат институтлари, қонун ва ҳуқуқий тартибга нисбатан ишонч сўниб, ҳиссиётларга асосланган субъектив “ҳукмлар” устуворлик қила бошлайди. Учинчидан, радикал тарғиботнинг нормаллашуving зўравонликка нисбатан маънавий чекловларни сусайтириши мумкин. Айрим ҳолларда экстремистик қақариқлар “адолат учун кураш” ёки “мажбурий чора” сифатида оқланиб, ижтимоий онга хавфли тенденция шаклланади. Тўртинчидан, танқидий фикрлаш ва манбаларни текшириш маданияти шаклланимаган шароитда ахборотнинг мазмуни эмас, балки унинг “тренд” даражаси ва оммавийлиги ҳал қилувчи аҳамият касб эта бошлайди.

Замонавий ахборот маконида геоманънавий таҳдидларнинг яна бир хавфли механизми ахборот манипуляцияси кўмагида жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишдир. У онг бошқарувидаги психотехнологик ёндашув сифатида ҳам намоён бўлади. Бундай таъсир ҳарбий тажовуз ёки иқтисодий босимдан фарқи равишда, аҳоли кайфияти, дунёқараш ва қабул қилинадиган сиёсий қарорларга билвосита таъсир ўтказишни мақсад қилади.

Ахборот таъсири ташқи жиҳатдан босим сифатида кўринмаслиги мумкин, бироқ узоқ муддатда унинг оқибатлари жамият барқарорлиги учун жиддий хавф туғдиради. Мазкур жараёнларнинг амалий намунаси сифатида Cambridge Analytica воқеасини мисол келтириш мумкин. Бу ҳолат рақамли муҳитда маълумотлардан қай тарзда мақсадли манипуляция воситаси сифатида фойдаланиш мумкинлигини яққол кўрсатиб берди.

Cambridge Analytica – Буюк Британияда рўйхатдан ўтган, сиёсий консалтинг ва маълумотлар таҳлили билан шуғулланган компания бўлиб, унинг фаолияти рақамли муҳитда жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишнинг янги босқичга чиққанини намоён этди. 2013 йили ишлаб чиқилган мазкур илова фойдаланувчиларнинг шахсий хусусиятларини тест саволлари орқали аниқлашга қаратилган эди. Бироқ ўша даврда тестда иштирок этган шахслар билан чекланиб қолмасдан, уларнинг “дўстлари” ҳақидаги маълумотлар ҳам автоматик равишда йиғиб олинган. Натижада, тахминан икки ўз етмиш минг фойдаланувчи тестдан ўтган бўлса-да, саксон миллиондан ортиқ аккаунт маълумотлари ноқонуний тарзда қўлга киритилган. Бу воқеанинг геоманънавий таҳдидлар нуқтаи назаридан аҳамияти шундаки, йиғилган маълумотлар фақат тижорий мақсадларда эмас, сиёсий тарғиботда ҳам қўллانган. Хусусан, мазкур маълумотлар АҚШ президенти Дональд Трамп ва 2016 йилги президентлик сайловида иштирок этган сенатор Тед Крузнинг сайлов кампанияларда манзилли тарзда сиёсий тарғиботни индивидуаллаштириш учун ишлатилгани ҳақида очик маълумотлар мавжуд.

Замонавий ахборот маконида маълумот-

ларни йиғиш, таҳлил қилиш ва аудиторияга манзилли таъсир кўрсатиш усули жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Рақамли платформалардаги алгоритмлар контент тарқалишини автоматик равишда бошқариб, кўпинча эмоционал, баҳсли ва кескин реакция чақирувчи материалларни устувор ҳолда омалаштиради. Бу эса ахборот муҳитида оқилна таҳлилға асосланган муҳокамалар ўрнини ҳиссий муносабатлар эгаллашига олиб келади. Шу шароитда микро-тарғибот ва психологик профиллаш технологиялари фойдаланувчиларнинг интернет муҳитида намоён қиладиган онлайн ҳуқли ва жамоат онгига таъсир кўрсатувчи воситаларга айланмоқда.

Микро-тарғибот – рақамли платформалар орқали тўпланган маълумотларга таянган ҳолда, ахборот, реклама ва тарғибот хабарларини кенг аудиторияга эмас, муайян шахс ёки тор гуруҳларга мослаб етказиш усулидир. Аънавий оммавий рекламада барчага бир хил хабар тақдим этилса, микро-тарғиботда ҳар бир фойдаланувчига унинг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва психологик ҳолатига мос ахборот тақдим этилади. Ушбу технология фойдаланувчининг “рақамли излари”га – лайклар, изоҳлар, қўрилган видео ва ўқилган материаллар, обуналар, қидирув сўровлари ва онлайн фаоллик вақтларига таянади. Бу маълумотлар умумлашганида, шахснинг онлайн ҳуқлига оид рақамли портрети шаклланади. Шу асосда фойдаланувчининг демографик кўрсаткичлари билан бир қаторда, унинг қадриятлари, қўрқувлари, эмоционал мойилликлари ва қарор қабул қилиш услуби ҳақида тахминий ҳулосалар чиқарилади. Айнан шу жиҳат микро-тарғиботнинг ахборот таъсирига асосланган психологик технологияга айлантиради.

Психологик профиллаш инсон онгини ахборот таъсирининг марказий объекти сифатида кўради. У микро-тарғибот технологияси билан уйғун ишлайди. Яъни аввал аудитория маълум психологик белгилар асосида гуруҳларга ажратилади, кейин эса ҳар бир гуруҳ учун алоҳида ахборот сценарийлари ишлаб чиқилади. Бу технологиянинг қисқа видео, мем, шior, инфографик материаллар, мақсадли реклама ёки манипулятив постлар кўринишидаги турли форматлари мавжуд. У асосида яратилган ҳар бир контент ташқи жиҳатдан нейтрал ёки “оддий фикр” сифатида тақдим этилса-да, мазмунан муайян қарор ёки қарашни шакллантиришга хизмат қилади. Шу жиҳати билан психологик профиллаш инсон онгига яширин таъсир кўрсатишнинг технологик асосларидан бири сифатида геоманънавий таҳдидларнинг замонавий шаклига айланади.

Бугунги кунда сохта аккаунт ва саҳифалар яратиш, муайян аудиторияларга мос контент ишлаб чиқиш, мақсадли реклама жойлаштириш ҳамда платформаларнинг тарғибот механизми билан фойдаланиб жамиятдаги бўлиниш нуқталарини кучайтиришга уринишлар қайд этилаётгани, “Facebook”да бундай контентлар фойдаланувчилари юз миллионлаб адади ташкил этаётгани ҳақидаги маълумотлар бу амалиётнинг кенг қамрови ва тизимли характерини кўрсатади.

Алгоритмлар ва контент муҳити ижтимоий инқирозга олиб келиши мумкин. Бунга Мьянма воқеаси мисол. Facebook асосий ахборот манбасига айланган бу мамлакатда айнан шу платформа нафратга йўрилган тарғибот ва тизгинсиз дезинформация манбаига айлангани натижада 2017 йили Роҳинжа аҳолисига нисбатан кенг қўлланма зулм содир этилди. Минглаб инсон ҳалок бўлиб, юз минглаб киши ўз уй-йўлларини мажбуран тарк этди. БМТ ҳисоботлари ҳамда қатор халқаро таҳлилларга кўра, Facebook платформаси Роҳинжа муслмонлари қарши нафрат тарғиботида муайян роль ўйнаган. Бу, Cambridge Analytica воқеаси билан умумий жиҳатларга эга. Ҳар икки ҳолатда ҳам рақамли муҳит орқали аудитория онгига яширин таъсир кўрсатиш ва ижтимоий муҳокамани манипуляция қилиш механизмлари ишлатилган.

Рақамли платформалар муҳитида манипулятив таъсир ўтказишнинг яна бир кенг тарқалган шакли сифатида мувофиқлаштирилган сохта фаолият – Coordinated Inauthentic Behavior (CIB – интернет ва ижтимоий тармоқларда бир гуруҳ аккаунтлар томонидан олдиндан келишилган ҳолда, ўзининг кимлигини ва ниятини яшириб, жамоат фикрига таъсир ўтказишга қаратилган сохта ва мувофиқлаштирилган профиллар ва саҳифалар фаолияти) алоҳида ўрин тутади. Meta (Facebook ва Instagram) компанияси турли йилларда турли давлатлар бўйича CIB тармоқларини фoш этиш ва уларни блоклашга доир бир қатор расмий ҳисоботларни эълон қилиб келади. Уларда сохта аккаунт тармоқлари орқали аудиторияга таъсир кўрсатиш, контентни сўқмай равишда омалаштириш, ижтимоий муҳокамани бузиш ёки муайян сиёсий позицияни “оммавий қўллаб-қувватланаётгандек” кўрсатиш мумкинлиги таъкидланади. Бундай амалиётлар ахборот муҳитида реал ижтимоий кайфият билан сунъий яратилган тасаввурлар ўртасидаги чегарани олиб ташлайди. Бу ҳолат рақамли муҳитдаги манипулятив таъсир фақат ташқи факторлар эмас, ички сиёсий майдон доирасида ҳам амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатади.

Абдулҳамид МУХТОРОВ



Бошланиши 1-саҳифада.

ХИРОТ ТАЪРИФИДА

Хирийнинг ҳавоси ғоят лауиф, даги ажибдур. Аммо феъли тез. Бир лаҳзада чангли қуюн шаҳарни исканжага олади. Шундай кезларда аёллар рўмолини маҳкам чангаллайди, эрлар қадиқасини бошга тортади. Бу иқлим одамлари шунинг учун бу чойшабсифат матони елкадан қўймас. Бир қарасанг, дастурхон ўрнида, бир қарасанг, жойнамоз... Бошга салла каби ўраганлари-да, бисёрдур.

Оре ростким, қиз-жувон бу ерда чандон хушрўй... Гарчи бошдан-оёқ чимматга чирмалган, юзларига ниқоб тутиб юришган эса-да... ёлғиз кўзлари, мунгли ва айни чоғда аллақандай виқорли нигоҳлари кишини оний лаҳзада мафтун этишга қодир... Аёлларга узоқ қараб туриш мутлақо мумкин эмас! Рўпарангиздан келаётган бўлса, бир кўз ташлаб қўйиш, ҳай, мумкин. Аммо ўтиб кетгач, ўгирилиб қараш – гуноҳи азим... Бироқ нега бу ернинг пошикасталари ғариб кўнглини алланечук ром айлади?

Хиротнинг гирдо-гирдига бир улуг воқеъ бўлбурким, эл ани Кўхи Сафед атайдур. Воҳа шундин энвучи Херируд дарёсидан сувлайдур. Эли хотиржам ва сертакаллур, форсий, пуштуний сузламак расмдур. Агарчи туркийлар-да топилурким, тилини унутқон... Меваси фаровон ва бисёр хўбдур. Кўчаларда сувлиг-сувлиг сабзи шарбати сотилур. Майизи йирик ва хуштаъмдур, аммо уруги улкан. Тагин анчадан бери кўрмаганим – шотут қоқиси ҳам кўп. Бош бармоқ узунлигича кабоблари ва ҳам Кобули ўзбек палови мазалиг. Алардин ўзгаси ҳиндий ё пуштуний нимарсалар... Юмуртқага памилдору ва ҳам сўғон кўшиб қовурмак одатдур. Нонлари турли-турли, бироқ бизнинг лочира каби бир тури борким, бисёр тотлиг. Суви мижозимга хўб ўлтирди. Чойлари хўб сабз бўлур, қора чой қизилга яқин. Ҳарчанд Кобулда ва ё Хирийда бўлсанки, эл зинҳор қалин кийинмас. Қору ёмғирда бир хил. Аёлу эр бир-биридан узоқ юради. Вале, кўлни кўлга бериб, диловарлик қилиб юрган эрларни хўп учратдим. Емак ва ичмакда бетакаллуф бўлган эсам-да, энг кўп музикийдан қиналдим. Тарона ва дилраболарсиз ҳар шаҳарки бор, жонсиз жисмдур.

Кўргони баланд ерда воқеъ бўлибдурки, "Қалъаи Ихтиёридин" аталур. Миллоддан бурунги 330 йилда Искандари Мақдуний даврида барпо бўлган. Қарийб икки минг йил давомида бир неча дафъа вайрон этилган эса-да, газнавий, салжуқий, ғурий, темурий, сафавий султонларга кўрғонлик қилган.

Замонким, Амир Темур Кўрагоний Ҳақ таоло даргоҳига рихлат айлаган йилларда Шохрух Мирзо пойтахтни Самарқанддан Хиротга кўчириб, қалъани ҳарбий истехком этди. Айни чоғда хазинахона, қоровулхона, хос хоналар ва ҳам бир неча зиндон ушбу кўрғонда кўрилур.

Тарих 1469–1506 йилларда, Султон Ҳусайн даврида Хуросон мамлақати айни шу саройдан тушадурғон ҳар фармонга бўйин сунган. Давлатни идора этмакка доир ҳар ҳужжатга шу жойда султоннинг муҳри баҳайбатлари босилган. Мундин ташқари, қалъа Мир Алишер Навоий бошчилигидаги назмий базмларга манзил бўлган. Бу ерда театрмонанд бир жой борким, унда қизгин-қизгин мушоиралар ўтказилган, илми аруз, илми оҳанг, илми тасвир ва ҳам тасаввуф баҳслари авжланган.

Камина қулингиз ҳам шу ернинг сахнасини беижозат ва ҳам беҳижолат забт этиб, муборак ҳазратларни тасаввур айлаганча, бир жуфт ғазал ўқимак бахтига муяссар бўлди.

"Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлағач, Шамъ равшанрак бўлур, торин паршон айлағач".

"ТУРКИЙДА ШУХРАТИ КЎПРАК ЭРДИ..."

Мавлоно Лутфийга етмак кўп мушкулдур. Ўзбекистондаги навоийшунос, бобуршунослардан сўрадим. Муборак турбатлари Дехиканор қишлоғида, дедилар. Ҳозир у ер Нангобод деб аталур, деганлар ҳам бўлди. Аммо ҳеч бир ҳайдовчи у ерни топа билмади.

Анча аввал, Бобур номидаги халқаро фонд масъуллари мавлонони кўп йўқлағани



“Кўнгли тилаган муродга етса киши, Ё барча муродларни тарк этса киши, Бу икки муяссар ўлмасе оламда, Бошни олиб бир сориға кетса киши. Захириддин Мухаммад БОБУР”

КОБУЛ АЗИМАТИ



ни, янги қабртош қўйгани ва ҳатто, бир йили устидаги кошинкор айвони ўғирлаб кетилгани ҳақида эшитгандим.

Муборак қабр қайдалигини билмак илинжида Хиротдаги маданий обидаларга жавобгар идорага бордик. Бу ернинг раҳбари узун соқоли, оппоқ дасторли, кўзойнак таққан нуроний бир олим экан. У киши бизни хушмуомалалик билан қарши олди. Деворда турли тарихий бинолар, нақшинкор устунлар, табаррук қадамжоларнинг суратлари осилган. Хона китобу журналу газетга тўла. Ҳам барқ (электр), ҳам газ ёрдамида иситадиган печ вазмин ва ўйчан устодга қаратилган. Эшик олдида яна бир устолу устул. Унда компьютер ва принтер. Аммо ижозатномани кўлда ёзиб, принтерда нусха олдилар...

Мақсадга кўчдик. У киши мавлоно Лутфий ҳақида ҳеч қачон этшмагани ҳақида айтгандек бўлди, чамамда. Таржимонимга қайта-қайта мурожаат қилиб, мендан Лутфий ҳақида нималар билишимни сўради. Гапларимни минг таассуф ва юз ҳайрат билан ён дафтарчасига ёзиб оларкан, бош чайкаб қўяверди... Кейин Навоий ҳақида сўради: "У киши сизларга ким бўлади? Ўзбекистондан келганми?"

Ҳазратим ҳақида нима билсам, барини айтдим: "Қайдаки, темурий бўлса, бизга бобо. Ўзбекистонда ҳеч ким Алишер Навоийчалик кўпларга кўтарилмаган". Ишхонамиз жойлашган бино – музей, кўчалар, театрлар, кино уйлари, метро бекатлари, ҳатто, энг йирик вилоят ҳам Навоий номида аталиши у кишини ҳайратга солди. Эҳтиёт шарт, ҳазратга ҳайкаллар тиклангани, суратлар чизилгани ҳақида лом-мим демадим... Тагин савол берди: "Қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?" (Навоий ҳақида неча ёшдан бери биласан?) Тагин жавоб айладим: "Рух эрмас эрди таңга пайваст!" (Тугилишимдан аввал ҳам "Навоий-Навоий!" дейишарди!)

Шу тариқа, бизда мактабу олий таълим дарсликлари Алишер Навоийдан бошланиб, Алишер Навоий билан тугашини тушунтирган бўлдим. Ғоят мутаассир бўлиб, кўзга ёш олишининг нари-берисида қолди... Эринмаган банд экан, яна сўради: "Бу ерларга Навоий деб келибсан, Лутфийда не ишинг бор?" Бу савол жавоб ҳар қанча зериккан, илмга ташна, бунинг устига вақти кўп бўлмасин, мени тушуниши керак эди. Чунки ҳар сониям ғанимат. Аммо "эшагим сувдан ўтгунча, тоға деб туриш"га мажбур бўлдим: "Мавлоно Лутфий, билсангиз, ҳазрат Навоийга устоз ҳисобланган. Шу ерга келиб, у кишини зиёрат этмай кетсам, хурматсизлик бўлади..." Соқолини чангаллаганча мириқиб бош чайқади. Ўрнидан туриб, хурматли меҳмонлари учун асраб қўйган хурмоларини жавондан олиб, бизга тутқазди. Очиги, тезроқ бораёй деб, нонушта қилмай чиқувдим – ўзиям мойдай кетди.

Кейин "таниш-билиш"ни ишга солиб, биз

сўраган манзилни аниқлаб, қоғозга ёзиб берди. Ниҳоят, йўлга тушдик.

Сафарда ҳар бир чақа лазизу азиз бўлгани учун чоғроқ улв – "рекша" тутдик. Баланду паст, қинғир-қийшиқ, ўйдим-чуқур йўллар оралаб, тупроғу лой кешиб, кўрган билгандан сўрай-сўрай, охири, бир қабристонга етдик. Шаҳзода Қосим турбати асосий мўлжал бўлди. Икки ёнда паҳса деворлар, тор йўлақлар ўртасидан ўтган шилдиқроқ арик, аҳён-аҳёнда учраб турувчи қадимий тутлар, томсувоқ уйлар, юз йиллик вайронлар, узоқдан кўриниб турувчи мўйсифид тоғлар, бийдай дала, оромбахш кўчалар, эчкию улоқлар, қишлоқи болалар... буларнинг барчаси кишини мароқлантиради, мозиёга бошлайдди. Наҳотки, шу кўчаларда Лутфий бобомиз юрган, латиф ғазаллар шу каби уйларда ёзилган?

Кишлоқ ҳозир "Шоджон" деб номланаркан. Қабристонга кириб, ҳаяжондан ўзимни тия олмадим. Қани, ҳозир мавлоно қаёт бўлса-ю, бобосини соғинган набирадек қучоғига талпинсам! Тўғриси, ҳазрат Алишер Навоий зиёратида кўнглимда кўп ва хўб ийманишу тортиниш бор эрди. Лекин бу ерда гўдакдек яирадим ва ҳам алланечук хурсанд, алланечук эркаликка мойил бўлиб қолдим...

Мавлононинг руҳи покларига Қуръон тиловат қилгач, ғойибона суҳбат қуриб, ул зоти муборак ёзган латиф ғазаллардан ўқидим...

"Аёғингга тушар ҳар лаҳза гису, Масалдурким: чароғ туби қаронгу..."

ИККИ МИНГ БИРИНЧИ КЎЧАТ

Эртаси куни тўққизинчи февраль бўлди. Бутун дунё туркийлари Низомиддин Мир Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигини тантанавор руҳда, байрамона шукуҳда нишонлапти. Барча бир-биридан чиройли гўдасталар тузиб, улуг мутафаккирнинг муаззам ҳайкаллари пойига шошадиган кунда мазкур сафарим ҳисобиде еттинчи дафъа "Мусалло"га йўл олдим. Айтганча, бу ерларда туғилган кунни нишонлаш расм эмас. Чапак чалиш, қабр бошига гул қўйиш, қўшиқ айтиш, ўйин-кулги расман таққиланган.

Аввал бир тужжордан икки энлик сув шимадиган мато харид қилдим. Кейин супурги излашга тушдим. Қурғур ҳеч топилавермагач, бир дўкон эшиги ёнида ётган супургига чанг солиб, "ўламан Саттор, шуни менга сосан"га тушдим. Дўкандор йигитча бу матоҳни нима қилишимга қизиқсинди. Ҳазрат Навоий макбарасига жорубкашлик қилман, деганимда икки қўлини кўтариб, "Супурги сенга текин, қариндош! Мен майманалик ўзбекман", деди. Ундан чиқиб, кўчат изладим. Бахтимдан ўргиллай, шундоғ "Гавҳаршодбегим боғи" биқинида кўчат бозори бор экан. Боғ қўриқчиси турқи-тароватим, илжайиб туришим ва қўлимдаги ашёларга шубҳали қараб қўйгач, еттинчи марта хужжатиمنى сўради. Кўрсатдим. Кирдим. Ғудраниб-ғудраниб, белкурак топиб берди. Шу тариқа, Амударёнинг у томонию бу томони бош қўшиб, ушбу боққа эккан икки минг туп кўчатлар яна биттага кўпайди... Етказганига шукур!

Мажмуага кириш жуда қийин. Маҳаллий ўзбеклар учун ҳам рухсатнома керак. Энди буни ким сўғораркин, деб ўйга толиб турганимда, ёмғир шаррос қўйиб юборди. Худо меҳрибон!

Тез орада етиб келган бошқа ўзбеклар билан мақбарани супуриб-сидириб, шифту бурчак-бурчакларга ўрнашган чангу ғубордан фориг этиб, ўргимчак тўрларидан то-

залаб, муборак мрамор тошни ялтиратиб қўйдик. Тагин Қуръон тиловат қилиб, оҳиста ортага қайтдик...

ҚАЙДАСАН, КОБУЛ?

Хиротдаги тайёрагоҳ сори юзландим. Ёмғир ҳамон авжида. Учиш йўлаги мисли кўп. "Бир-бир не дейин бошдин аёғи"м жиққа хўп. Парвоз қарийб уч соатга кечикди. Устимдаги устимда қуриди.

Кобулга кўнганимизда қош қорайганди. Гуппа-гуппа қор ташлаб турибди. Бу ерда ўзбек тилидан дарс берувчи устозлардан бири кўярда-кўймай уйига бошлади. Ўрқач-ўрқач адирлар қамал қурган қишлоқнинг кескин баландлаб кетадиган ва худди шундай пастлаб қоладиган кўчалари бўйлаб яёв кетаямиз... Лайлаққор, совуқ ва қоронғу йўллар, қўрқинч жарликлар... Ҳаво ниҳоятда сифатсиз, тутунми, кўмир хидими сузиб юрибди. Кўзу буруну думоғ аралаш ачишиб кетади. Туф десаңгиз, томоқдан қора чанг оппоқ қорға тушади...

Беихтиёр "Бобурнома"даги тасвирлару воқеалар ёдимга қўнади. Бутун бошли кўшин билан сарсон-саргардонликда, ёмғиру қор демай, осойишта манзилу макон излаб тентираш азобини танамда ҳис этган бўлман...

"Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату ғам кўрган, Осойиши кам кўрган мендек яна бир борму?"

Чўққиди чоғроқ уйда келишим шарафига печ ёқибдилар. Тўрда турган онахон киришим билан рўмолини юзига тортиб, тескари ўгирилиб олди. Бу ерда аёллар нотаниш эркаларга ҳатто овозини ҳам эшиттирмамаслиги шарт экан. Меъзон волидасига мени таништирди. Айтишча, онахон кўллаб лапарлар, халқ қўшиқлари ва ҳеч қаерда учрамайдиган ўзбекча ибораларни яхши биларкан. Бу ерларда ҳар қанча мушкул бўлмасин, ўзбек тилини фарзандларига ўргатиб, тилни сақлаб қолаётган бу каби онахонлар камдан-кам топилааркан. Хуллас, ўзбек тилининг кўзга кўринмас жонқуярларидан бири билан танишдим. Аммо гапларини қаёққа дейсиз.

Ҳар қанча ўтин ёқилмасин, уй мен учун совуқ туюлаверди. Етти қаваб ўраниб олганман. Меъзонлар эса юпқа кийимда беамалол ўтиришибди. Шу пайтга давур совуққа чидамли шахс сифатига элга маълуму машхур эдим. Шухратимга қурум кўнди.

"УНУТМОГИЛ ЯНА БУ НОМУРОД БОБУРНИ..."

Эртаси куни "Боғи Бобур" сори қадам урдим. Йўл бўйи қояларга тирмашган уйларга кўзим тушди. Ниҳоят, манзилга етдим. Кириш бадалини бердим. Ҳар келганим исми-шарифи, таъзира рақами ёзиларкан. Андижонда кўрганим – "Бобур боғи"даги каби зиналар бошланди. Уч йил аввал борганимда, рамзий қабрни кўриб, аслий қабрни зиёрат қилиши оруз этгандим.

"Хуш улки, ёна муборак юзунени кўргаймен, Юзум била қадаминг гардини супургаймен..."

Ушбу кўркам боғ "Шир дарвоза" тоғи этагида воқеъ бўлибдур. Бу ерда Бобур замонида тикланган "Арқ" қалъаси ҳам бор. У ҳозир "Болоҳисор" дейиларкан. Ҳазратимиз ҳам бу қалъани роса кифтини келтириб мақтаган. Йиллар ўтиб, у Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо томонидан қайта қурилган. Бу ер Бобур ҳазратлари дафн этилгунига қадар "Қадамгоҳи Ҳазрати Расул" деб аталган. Кираверишда қадимий карвонсарой қад

ростлаган. Ҳозир унинг бир қисми қўриқчилар қароргоҳига айлантирилган.

Маълумки, Захириддин Мухаммад Бобур 1530 йилда ўзи асос солган улуг салтанатнинг пойтахти бўлган Агра шаҳри (ҳозирги Ҳиндистонда оламдан ўтган ва дастлаб ўша ерда дафн этилган.

"Ўлум уйкусуға бориб жаҳондин бўлдум осуда, Мени истасангиз, эй дўстлар, кўраасиз уйқуда..."

Кейинчалик, васиятига қўра, Кобулдаги мазкур боғга кўчирилган. У ўз қабрини ортиқча ҳашамдан холи, очиқ осмон остида бўлишини истагани учун ҳозиргача мақбара қурилмаган. Шунга қарамай, ворислари Жаҳонгир ва Шох Жаҳон қабр атрофини қимматбаҳо мрамор девор билан ўраб, ёдгорлик ўрнатганлар.

Боғ сокин, дарактлари бисёр, терскай-терскайда қор уюмлари... Юқорилаганим сари ҳаво совиб боргандек бўлади. Қаршимдаги улугвор тоғларга ҳавас билан термуламан. "Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати" билан бу ерлар қандай жаннатмонанд гўшага айланишини хаёл қиламан. Бироз юқорилайман, тўхтаман, сатр айтаман:

"Соғинмас жаннат ул-маъвои Бобур, Анинг кўнглида то маъво қилибсен".



Ниҳоят, буюк шоҳ ва шоир, дилбар шахс, жаҳон эътироф этган саркарда Захириддин Мухаммад Бобур мангу кўним топган жойга етдим...

Бу манзилда улуг саркарданнинг яқин қариндошлари – опаси Хонзодабегим, биринчи қизи Фахр-ун-Ниссо, кичик ўғли Ҳиндол Мирзо, набираси Руқия Султон бегим, барчага машхур "Хумоюннома" асари муаллифи Гулбаданбегим, Хумоюн Мирзонинг ўғли – Мирзо Мухаммад Ҳаким, шунингдек, Шох Абдул Маалилар мангу кўним топган...

Тарихий ҳужжатларга қўра, 1543–1606 йилларда Бобурнинг набираси Жалолиддин Мухаммад Акбар мазкур боғни ўраб, янги кўчатлар экиш ва янада кўркам қиличини буюрган. Кейинчалик бу ҳайри ишни унинг ўғли Нуриддин Жаҳонгир Салим давом эттириб, янада гўзал боғ бўлиши учун ўз хиссасини қўшган.

XX аср охирида боғ жамоат хиёбонига айлантирилган ва турли ташкилотлар томонидан ободонлаштирилган. Бу ердаги ходимлар анча хушмуомалалик билан муносабатда бўлишди.

Маълумотларга қўра, қарийб эллик йил давом этган урушлар натижасида боғ бутунлай вайрон этилган. Ниҳоят, 2001 йили Ҳомид Карзайнинг вақтинчалик ҳукумати шарафати билан атиги беш йил ичида Бобур боғи Тиклаш ва парваршиллаш институти томонидан тарихий ҳужжатлар, жаҳон музейларида сақланаётган суратлар ва видео тасвирларга таяниб қайта тикланган. "Бобурнома"да келтирилган маълумотларга таяниб, дарахт ва гул кўчатлари аслича экилган.

"Хатинга била юзунгу кокулунг сенинг, эй жон, Бири – бинафша, бири – ёсуман, бири – райхон".

Бу ишлар учун ўша пайт 80,5 миллион АҚШ доллари сарфланган. Қайта тиклаш ишлари 2017 йилда ниҳоясига етган.

Зиёрат сўнггида Захириддин Мухаммад Бобур қабри ёнида Қуръон тиловат қилиб, беназир ғазалларидан ўқидим.


"Фурбатга солди чарх мени юз жафо била, Ёд айла мен ғарибни гаҳи дуо била".

Бу ерга келишимдан хабар топган ўзбеклар аниқ вақтни белгилаб, йигилишиб, қўллариде супурги ва кўчатлар билан келишди. Буюк бобомиз кўр берган боққа барчамиз бир элу бир дил бўлиб, кўчат экиш бахтига муяссар бўлдик...

Шаҳриёр ШАВКАТ.
Хирот – Кобул



XAYRAT



БОБУРОНА ДАҚИҚА

“Бобуроно” турли ёш, турфа вазиёт, илнинг ҳар хил фасллариди қайта ва қайта ўқиб-ўқиладиган, зарурат юзасидан кўчирмалар олиб, айни дамда бошқаларга ўқиш учун тавсия этиладиган мукаррам ва муаззам китоблардан биридир. Бобурнинг ҳақулиги, мардлиги ва саховатини, ўзининг бутун ичкариси ва ташқарисини бениҳоя ошқора, бобуроно ростлик билан ёзганини ўқиган одам ҳайратга тушади.

Китобда Бобур назаридаги кунлик вақтинг митти ўлчови учун танланган асос ёзилган ўринни ўқиб, ҳаёлим асрлардан асрларга кўчди. Гўё Бобур пойида пайдо бўлдим. Нега? Бугун биз кунлар тез ўтаётгани, нафас олиш учун вақт етмаётгани, одамлар ҳеч нарсага улгура олмаётгани ва шунга ўхшаш бир олам фавголлардан нолиб ёзганимиз. Булар ёнига бундан ярим ё бир аср олдин ўтган одамларнинг салобати ва бугунги олтамиш-етмишбойларнинг нисбатан ёш кўриниши ҳамда Ернинг ўз ўқи теграсида айланганининг тезлашганига тегишли таҳминлар қўшилади. Ҳолбуки, олам ўз ҳолича айланиб турибди, ҳар ким ўз ҳолича вақтини, ташвишларга кўмилиб умрини ўтказиб юрибди. Эҳтимол, узундан-узун, умридан узун, асрлардан узун орзуларга, гўё бу оламда абадий яшаб қоладигандек чексиз орзу-ҳавасларга берилиш – балки ана шу омилларида вақтнинг тез ўтаётганига сабаб? Яратган билади.

“Бобуроно”нинг охирида бир кеча-кундуз ўлчови, бир соат ичидаги дақиқаларга доир муҳим гап бор: “Нечуким, бизнинг виллоятлар истилоҳида кеча-кундузни йигирма тўрт қисм қилиб турлар, ҳар қайсисини бир соат деб турлар ва ҳар соатни олтиш қисмат қилиб турлар, ҳар қайсисини бир дақиқа деб турлар-ким, бир кеча-кундуз минг тўрт юз дақиқа бўлмай. Дақиқанинг миқдори тақрибан олти қатла “Фотиҳа”ни “Бисмиллоҳ” била ўқунча бўлмай”. Уқидим. Бобур айтганича бор. Бу ҳақиқат одамни ҳаяжонга солади. Қараңг, бундан беш аср муқаддам ҳазрати Бобур бир дақиқада “Фотиҳа”ни “Бисмиллоҳ” билан қанча вақтда ўқиган бўлса, бугун биз ҳам тақрибан шунча вақтда ўқир эканмиз. Назаримда, ташвишлар, ваҳималар, фавголлар, галваллар, игволлар, ғийбат ва ғурбатлар – мана шулар вақтнинг заволи.

Кунлик вақт ўз ҳолича, беш аср аввал не аҳволда бўлса, тасаввуримча, бугун ҳам тахминан шу ҳолда. Аммо ундан фойдаланиш усуллари бошқача; узокни яқин қилиш йўллари ўйлаб топилди. Ҳаддан ташқари олис бўлиб туюладиган, ойлаб пиёда йўл юриладиган уммонгача ҳам уюқларда бир неча соатда етиб борилади. Зеро, инсонга ақл неъматли вақтдан унумли фойдаланиш, ўз вужудига назар солиш, нафс қутқусини жиловлаш, кўнгли қўзини ғубордан тозалаш ва шу каби кўплаб эзгу амаллар учун инъом этилгандир. Абадиятга нисбатан инсон умри “ўнгдан сўлга боққанча” ёки бир киприк қоққанча фурсат.

Демак, одам умрини ғанимат билиши, вақт тезлигидан нолимасдан сабабиятни, айбни ўзидан излаши керак. “Бобуроно”дек муаззам китоблар ҳикмати бизга ҳаёт жумбоқларини англашга ёрдам беради.

Баҳодир НУРМУҲАММАД



TALQIN

БИР РУҲ – ИККИ ДАВР

Тарих оддий воқеалар кетма-кетлиги эмас. У миллат тафаккурининг узлуксиз ҳаракати, бир даврдан иккинчисига ўтадиган маънавий жараёнлар. Ўзбек тафаккури тарихида ҳам шундай узлуксиз маънавий йўл бор. Бу йўл бир томонда давлатчилик ва масъулият, иккинчи томонда маърифат ва онг билан белгиланади. Бир қарашда ўзаро узоқ туюлган икки давр: Бобур замони ва жадидлар даври, аслида, шу битта руҳий оқимнинг турли босқичларидир. Улар орасида асрлар бор, аммо мақсад бир – миллатни асраш, инсон қадрини сақлаш ва келажакка умид қолдириш.

Бобур даврида бу тафаккур ҳокимият орқали намоён бўлди. Давлат бошқарувида виждон, адолат ва маънавий масъулият мезон сифатида кўрилди. Жадидлар даврида эса худди шу руҳ бошқа шаклда – мактаб, матбуот, маърифат ва жамоат онги орқали намоён бўлди. Яъни, ҳокимият ўзгарди, усул алмашди, аммо моҳият сақланиб қолди.

Бугун “Учинчи Ренессанс” деган тушунча айнан шу тарихий тадрижга таянади. У асрлар давомида шаклланган маънавий тафаккурнинг навбатдаги босқичидир. Демак, бугунги тараққиётни тўғри англаш учун ўша руҳ қайси илдиздан озикланганига ҳам қараш зарур. Шу маънода, Бобур тафаккури ва жадидлар ҳаракатини бирга ўрганиш бугунги тараққиёт ғояларини чуқур англашга хизмат қилади.

МАЪРИФАТЛИ ҲОКИМИЯТ ТАФАККУРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг давлатчилик тафаккури фақат шамширға эмас, ақл ва виждонга таянгани билан ажралиб туради. Бобур учун ҳокимият ғалаба рамизидан кўра жавобгарлик мезони эди. Шу боис, у ўз фаолиятини англашга ва хатолардан хулоса чиқаришга интилди.

Бу ёндашув “Бобуроно”да Самарқанд воқеалари орқали жуда аниқ кўринади. Бобур Самарқандни қўлга киритганини ёзар экан, уни сақлаб қолаётганини ташқи хиёнат ёки тақдирга юкламайди. Аксинча, у мағлубият сабабини очиқ тан олади: “Мен Самарқанд олгонда, ўн тўққуз ёшта эдим. Не кўп иш кўруб эдим, не тажриба бўлуб эди”. Бу иқтибос Бобурнинг давлатчилик тафаккуридаги ноёб жиҳатни очиқ беради. Яъни, у камчилики ёшлиги ва тажрибасизлиги билан боғлайди. Айбни бошқаларга юкламайди, ўзини оқламайди. Бу – ҳукмдор учун кам учрайдиган фазилат.

Бобурнинг давлатчиликка муносабатида халқ розилиги ҳам ҳал қилувчи ўрин тутади. “Бобуроно”да у Самарқанд қамали чоғида аҳоли чеккан қийинчиликни шундай тасвирлайди: “Элга бисёр танқислик бўлди... фақир ва мискин ит этини, эшак этини ея кириштиллар”. Бобур урушни қахрамонлик саҳнаси сифатида эмас, балки инсон тақдирига солинган оғир синов сифатида кўрсатади. У шахарларнинг вайрон бўлиши, халқнинг очлик ва қийинчиликка дучор бўлишини давлат учун энг оғир оқибат деб билиши.

Бобур урушининг натижасини фақат ғалаба ёки мағлубиятга тақамай, одамлар тақдир билан ўлчайди. Қамал узайганида у очиқ тан олади: “Сипоҳи ва раият наъмид бўлиб, бирар, иккирар қўргондин ташлаб қоча кириштиллар”. Бу сатрлар Бобурнинг ҳокимиятга маънавий масъулият билан қараганини кўрсатади. Унинг тафаккурида ҳокимият халқ олдидаги бурч эди. Ана шу ёндашув Бобурни оддий саркардадан кўра кенгрок, асрлар ошиб ҳам нуфузини йўқотмайдиган давлат арбобига айлантиради.

МАЪРИФАТ ОРҚАЛИ ЖАМИЯТНИ УЙҒОТИШ

XX аср бошларида майдонга чиққан жадидлар ҳаракати сиёсий курашни тўғридан-тўғри ҳокимият учун эмас, инсон онги учун олиб борди. Улар жамият ўзгариши, аввало, фикрда бошланганини яхши англади. Шу боис, жадидлар учун асосий майдон мактаб, матбуот, театр ва сўз минбари бўлди. Бу ҳаракат қалам билан қўрилди.

Жадидлар тафаккурида ҳокимият муам-

моси давлат тузилмасидан кўра чуқурроқ кўйилди. Уларнинг фикрича, жамият қўллик руҳидан чиқмас экан, ҳар қандай ҳокимият зулмга айланиши мумкин. Шу сабабли, бу фидойилар “Ким ҳукмрон?” дегандан кўра, “Ким англаган?” деган саволни устувор билдилар. Маърифат жадидлар учун сиёсатнинг энг олий шакли эди.

Жадид асарларида танқид очиқ ва қатъий, аммо ҳеч қачон вайронкор бўлмаган. Улар ҳокимиятни бутунлай инкор қилиш йўлидан бормади, аксинча, виждон ва масъулият билан бошқарувга чақирди. Масалан, Маҳмудхўжа Бехбудий “Ҳақ олинур, берилмас” каби мақолаларида подшоҳ ёки маъмуриятни лаънатлашдан кўра, амалдорнинг жоҳиллиги, таълимсизлиги ва халқ дардини билмаслигини асосий муаммо сифатида кўрсатади. Унингча, муаммо ҳокимиятнинг мавжудлигида эмас, балки унинг қандай одамлар қўлида эканидадир.

Жадидлар учун амалдор жоҳиллиги, халқ саводсизлиги ва мактаблар қолоқлиги бир-бирига боғланган битта занжир эди. Бехбудийнинг “мактаб ислоҳ қилинмас экан, миллат ислоҳ бўлмас” деган мазмундаги фикрлари ёки Абдулла Авлонийнинг тарбия ҳақидаги асарлари шуни кўрсатадики, улар жамиятни юқоридан ўзрили билан эмас, қўйдан маърифат билан ўзгартиришни таклиф қилади. Агар мактаб қолоқ бўлса, халқ онгсиз қолади, халқ онгсиз бўлса, ҳокимият ҳам масъулиятсиз бўлади. Жадидлар ана шу ҳалқани узишни мақсад қилди.

Жадидлар фаолиятида халқ розилиги ғояси алоҳида ўрин тутади. Улар учун халқ шунчаки бошқариладиган омма эмас, тарбияланиши, қарор қабул қилишга тайёрланиши лозим бўлган куч эди. Шу боис, жадидлар газета ва журналлар чиқариб, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот қилди. Саҳна асарлари орқали эса жоҳиллик, порахўрлик, сохта диндорлик каби иллатларни очиқ кўрсатди. Бехбудийнинг “Падаркуш” драмиси ҳокимиятга қарши қақирек эмас, жамиятнинг ўзига ойна тугиб қаратиш эди.

Зеро, жадидлар ҳаракати сиёсий инқилоб эмас, маънавий инқилоб эди. Улар давлатни ўзгартири оладиган инсонни тарбиялашни мақсад қилди. Бу ёндашув жадидликни



фақат бир даврда қолиб кетган ҳаракатдан кўра бугун ҳам долзарб бўлган тафаккур мактабига айлантиради. Жадидлар берган асосий сабоқ ҳокимиятни ўзгартиришдан олдин, уни назорат қила оладиган онгни шакллантириш зарурати эди.

МАЪНАВИЙ ДАВОМИЙЛИК

Бобур ҳам, жадидлар ҳам қудратни ягона ҳал қилувчи омил деб билмайдилар. Бобур учун ҳарбий ғалаба инсон ҳаёти билан, жадидлар учун эса сиёсий устуңлик маънавий етуқлик билан ўлчанади. Бири давлатни сақлаб қолиш учун ўзини ҳисобга тортади, иккинчилари жамиятни кутқариш учун фикр-ни уйғотади. Мақсад турлича кўринса-да, манба битта – масъулиятли тафаккур.

Шу маънода, жадидлар Бобурнинг маънавий меросхўрларидир, десак ҳақиқат бўлади. Улар Бобур бошлаган йўлни янги давр шароитида давом эттирдилар. Шамшир ўрнига сўз, сарой ўрнига мактаб, ҳоким қарорлари ўрнига жамоат фикрини қўйдилар. Бу инкор эмас, даврга ҳамоҳаз ўзгариш эди.



ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур давлатчилик тафаккурида халқ билан ҳокимият ўртасидаги муносабатни ҳал қилувчи омил сифатида қўради. “Бобуроно”да у қамал ва уруш шароитида давлатнинг аҳолини деворлар ёки қўшин сони билан эмас, халқнинг ҳолати билан ўлчайди. Бобур тафаккурида халқ давлат тақдирини белгилайдиган ҳаққоний кучдир. Уруш майдонида эмас, халқ ҳаётида қабул қилинган нотўғри қарорлар давлат учун энг катта хавф эканини у очиқ тан олади. “Бобуроно” шу жиҳатига кўра ҳокимиятни раият аҳолига жавобгарлик билан баҳолайдиган давлатчилик мактабидир.

Жадидлар мана шу ғояни мутлақо янги ижтимоий шароитда давом эттирди. Ўша замонда ҳокимият халқдан тобора узилиб, давлат билан жамият ўртасида чуқур жар пайдо бўлган эди. Ойдинлар бу узилишни қурол билан эмас, онг билан бартараф этиш мумкинлигини тушундилар. Шу боис, уларнинг кураши жоҳилликка қарши қаратилди. Жадидлар халқни бошқариш мумкин, аммо уни алдаш мумкин эмас, деган қатъий эътиқодда бўлди.

фикрни ҳаракатга айлантирди. Бу ренессанснинг ижтимоий ва маърифий босқичи ҳисобланади.

Фикримизча, Учинчи Ренессанс ана шу икки тақрибани умумлаштирган ҳолда намоён бўлиши лозим. У фақат иқтисодий ўсиш ёки технологик тараққиёт билан чекланмайди. Агар илм маънавиятдан, ҳокимият жавобгарликдан узилса, тараққиёт барқарор бўлолмайди. Шу маънода, Бобурдан масъулиятли ҳокимият сабоғини, жадидлардан онгли жамият ғоясини олиш бугунги кун учун муҳим аҳамиятга эга. Бобур ва жадидлар бизга йўлқўрсаткич: давлат ҳам, жамият ҳам илм, адолат ва инсон қадрига таянгандагина тараққиёт этади. Ана шу ҳақиқат бугун ҳам, эртага ҳам ўз қийматини йўқотмайди.

МЕРОСНИНГ ГЛОБАЛ ҚИЙМАТИ

Миллий ўзлиқни сақлаб қолиш ва жаҳон билан уйғун ривожланиш масаласи ҳар бир давр учун долзарб. Бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам, XX аср бошида майдонга чиққан жадидлар ҳам бир умумий тамойилга таянади: ўзлигини йўқотмаган халқгина дунё билан тенг мулоқот қила олади. Улар учун миллийлик ёпиқлик ёки бошқа йўллари инкор этиш эмас, жаҳонга очиқлигини мустаҳкам пойдевори эди.

Бобур ўз фаолияти билан шу ҳақиқатни амалда исботлади. У Ҳиндистонда улкан салтанат барпо этар экан, маҳаллий маданиятни инкор қилмади, аксинча, туркий-маънавий анъаналарни янги муҳитда сақлаб қолишга интилди. Туркий тилда ижод қилиш, тарихни шахсий хотира орқали ёзиш, табиат ва инсон муносабатини давлатчилик тафаккури билан боғлаш – буларнинг барчаси Бобурнинг миллий ўзлиқни жаҳон саҳнасида йўқотмасликка қаратилган онгли танлови бўлган.

Жадидлар учун эса миллий ўзлик замон билан бирга янгилашиш эди. Жадидлар жаҳон илми, педагогикаси, матбуот тажрибасини қабул қилар экан, миллий тил, тарих ва маданиятни ислоҳот марказига қўйдилар. Улар жамиятни дунё билан тенг мулоқот қила оладиган миллатга айлантиришни мақсад қилдилар. Бу ерда муҳим жиҳат шундаки, Бобур ҳам, жадидлар ҳам миллийликни сиёсий ширга айлантирмади. Улар учун миллий ўзлик – масъулият эди. Ана шу ёндашув уларнинг меросини тор даврий чеғарадан чиқариб, жаҳон цивилизацияси контекстида аҳамиятли қилади.

Бобур ва жадидлар тажрибаси ўзлигини англаган миллатгина жаҳон жараёнларида фаол иштирок эта олиши мумкинлиги борасида муҳим сабоқ беради. Миллийлик билан глобалликда уйғунлик борлигини улар ўз ҳаёти ва фаолияти билан кўрсатиб берган.

ТАРИХДАН КЕЛАЖАККА УЗАТИЛГАН ДАСТУР

Тарих ҳар доим ҳозирги сунъий интеллект каби тайёр сиёқ дастур тўқиб бермайди, аксинча саволни тўғри қўйишни ўргатади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва жадидлар мероси бугунги дунё олдига “Ҳокимият нимага таяниши керак – қудратгами ёки виждонга, фармонгами ёки маърифатга, қўрқу-гами ёки ишончга?” деган саволни қўяди.

Бобур ва жадидлар бизга жамият маърифатсиз ривожланмайди, инсон қадри эъзозланмаган давлат эса келажакни бой беради деган ҳақиқатни ўқтиради. Шу маънода, уларнинг мероси ўтмиш ҳақидаги хотирадан кўра кўпроқ келажак учун берилган маънавий дастур экани англашилади.

Мунижон ҲАКИМОВ,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги
Давлат адабиёт музейи бўлими мудири,
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори



“


Бобур феъли-саъиясига кўра Цезарга қараганда севишга арзишқилдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган.

Эдуард ХОЛДЕН

”



ОЛАМ ОЛИМИ



ЁСИНОРИ ОСУМИ

Хужайра аутофагиясини очиб берган нобелчи

Биология ва тиббиётда туб бурилиш ясаган олимлардан бири япониялик Ёсинори Осумидир. У аутофагия механизмини, яъни хужайра ўзининг зарарланган қисмларини парчалаб, тозалаб, қайта ишлаши жараёнини илмий жиҳатдан исботлаб берган. Ушбу кашфиёт орқали у ихтиёрий очликнинг инсон саломатлигига фойдаларини англашга йўл очди.

ИЛМИЙ БИОГРАФИЯ

Ёсинори Осуми 1945 йил 9 февралда Япониянинг Фукуока шаҳрида туғилган. Токио университетини тамомлаб, молекуляр биология соҳасида илмий фаолият бошлаб, докторлик даражасига эришгач, АҚШнинг Рокфеллер университетиде тадқиқотларини давом эттиради. 1977 йилнинг охирида у ватанига қайтиб, ўз илмий гуруҳини ташкил этган, ёш олимларни тарбиялаган.

Илмий фаолияти асосан оддий организм – хамиртуруш замбуруғи (yeast) устиде олиб борилган тадқиқотларга таянади. Айнан шу модел орқали у аутофагия жараёнининг генетик ва молекуляр механизмларини аниқлашга муваффақ бўлди.

АУТОФАГИЯ НИМА?

Аутофагия – бу хужайранинг ўзини-ўзи тозалаш ва янгилаш механизми. Жараёнда хужайра ичидаги эскирган, шикастланган ёки кераксиз тузилмалар махсус қопчалар орқали парчаланиб, энергия ёки янги молекулалар манбаига айлантирилади.

Ёсинори Осуми аутофагия учун жавобгар бўлган генларни аниқлаб, бу жараён қандай бошланиши, назорат қилиниши ва туғашини илмий асосда кўрсатди. Бу эса хужайра ҳаётини тушунишда янги босқични бошлаб берди.

АҲАМИЯТИ

Осумининг кашфиётлари қатор касалликларни белгилашда муҳим аҳамият касб этди. Аутофагия жараёнининг бузилиши куйидаги ҳолатлар билан боғлиқ экани аниқланди: нейродегенератив касалликлар (Алцгеймер, Паркинсон), саратон, қандли диабет, инфекция касалликлар.

Айниқса, саратон хужайраларида аутофагиянинг икки хил – ҳам ҳимоячи, ҳам хавфли роль ўйнаши мумкинлиги ҳақидаги тушунчалар айнан Осуми тадқиқотларида кейин шаклланди.

ОЧЛИК ВА АУТОФАГИЯ

Олимнинг ишлари шуни кўрсатдики, очлик ҳолатида аутофагия фаоллашади. Бу хужайрага ички ресурслардан фойдаланиб, ҳаёт фаолиятини сақлаб қолиш имконини беради. Шу сабабли, унинг тадқиқотлари парҳез, интервал очлик ва метаболизм соҳаларидаги илмий ишлар учун ҳам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу дегани ихтиёрий очлик ҳам даволанишнинг ёки соғлиқни сақлашнинг бир туридир. Хусусан, сўнгги йилларда жаҳон тиббиётида очлик билан даволаш кенг тарқалмоқда.

ЭЪТИРОФ

2016 йилда берилган Нобель мукофоти Ёсинори Осумининг илмий фаолиятига жаҳон миқёсидаги юксак баҳодир. Унинг ишлари бугунги кунда ҳам дунё бўйлаб юзлаб лабораторияларда давом эттирилмоқда ва янги даволаш усуллари ишлаб чиқишга хизмат қилмоқда. “Бу йилги Нобель лауреати аутофагия – хужайра компонентларини парчалаш ва қайта ишлаш бўйича фундаментал жараённинг асосидаги механизмларни кашф этди ва тушунтириб берди” дейилади мукофот кўмитаси баёнотида.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

ТОПИЛМА

Аскарний Мирзо қасидаси

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фарзандлари кўп жиҳатдан отасига тақлид қилиб, унинг ҳукмдорлик ва ижодкорлик салоҳиятини ўз фаолиятларида такрорлашга интилган. Чунончи, бир неча адабий манбаларда Аскарний Мирзонинг ҳам шеър ёзгани борасида маълумот бор.

Ҳасанхожа Нисорий “Музаққири аҳ-боб”да ушбу бобурийзодани “хуштабъ подшоҳзода” ва “илму фазлга майли бор”лигини таъкидлаб, “То кард Худо рўзи ман водии ғамро...” дея бошланувчи ғазалини келтиради. Фаҳрий Ҳиравийнинг “Равзат-ус-салотин”ида эса “фаҳму фаросати ниҳоятда яхши” экани ва “табъи назм услубида эътиборга лойиқлиги” ёзилиб, форс тилидаги бир рубоий ва икки матлаъи келтирилади. Аскарний Мирзонинг шоирлиги ҳақида шундан бошқа маълумот деярли учрамайди.

Аскарнийнинг ҳаёт йўли турли сиёсий ўйинлар ва саргузаштларга бой ўтган. Умрининг сўнгги йиллари борасида аниқ маълумотлар айтарли йўқ. Маккада вафот этгани эслатилади, холос.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Аскарний Мирзо Ҳижозга боришдан олдин Истанбулда ҳам бир фурсат яшагани ва ҳатто усмонли саройига яқинлашшига ҳаракат қилгани ҳақида далиллар пайдо бўлмоқда. Бунинг асоси ҳозирда Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Жоруллоҳ бўлимидаги 1668-рақамли қўлёзмадир. Бу манба Аскарний Мирзонинг девони бўлиб, у палеографик хусусиятига кўра, тахминан XVI асрнинг иккинчи ярмида китобат қилинган.

Девон ҳажми катта эмас, 36 varaқ. Настаълик хатида кўчирилган. Ундан

муаллифнинг туркий ва форсий ижод маҳсули ўрин олган. Жумладан, форс тилида 88 ғазал, 1 қасида, 1 соқийнома ва 2 рубоий; туркий 1 қасида ва 7 ғазалдан иборат.

Шоирнинг ўзбекча табъи назми равон эканини кўриш мумкин. Унинг улуғ сўз санъаткорлари Алишер Навоий ва Мавлоно Лутфий ижодидан кўп баҳра олгани шеърларидан маълум бўлади. Масалан, Навоийнинг икки ғазалига қуйидагича матлаъ билан назира ёзган:

Ошиқи дилхастани
гар дилбари шод айлағай,
Онча бордурким,
бузуг оламни обод айлағай.

Умуман олганда, Аскарний Мирзонинг назми содда ва равон. Услубан мураккаб бўлмаган сатрларда фикрни аниқ изҳор қилиш, тасвирни ёрқин ифода-лаш айнан ҳазрат Бобур ғазалларини эслатади.

Энди Аскарнийнинг Истанбулда бўлиши билан боғлиқ фарозга тўхталсак. Айни девоннинг дастлабки шеъри форсча қасида бўлиб, у усмонли-турк султони Қонуний Султон Сулаймонга бағишлангандир. Жумладан, асардаги ушбу байт ҳам бунга далил бўлади:

Ҳазрати султон
Сулаймон Хусрави гетистон,
Вориси мулки жаҳону
соҳиби асру виқор.

Ушбу қасида ва яна бир неча шеърда ҳам айнан Султон Сулаймон номига ишоралар, унга мадҳу санолар ўрин олган.

Девон охиридаги “Ҳар қачон ул сарвақд оҳанги жавлон айлағай” мисраси билан бошланувчи шеър ҳам шундай мазмундаги асар эканини ўрганди. У эски ўзбек тилида ёзилган. Бу қасида ҳам форсчаси каби номланмаган. Ҳажми (24 байт – 48 мисра) ва шакли ҳам шу жанр талабига жавоб беради.

Аскарний МИРЗО

ҚАСИДА

Ҳар қачон ул сарвақд оҳанги жавлон айлағай,
Богбон тарки гулу шамшоду райхон айлағай.

Андалиби хушнаво гулшанда гулни шавқидин
Эътикоф этиб ҳамиша шукри Яздон айлағай.

Ғунчаи наврас чаманда жумлаи атрофини
Хуққаи ферузагун ичинда пинҳон айлағай.

Ҳар киши аҳбоб ила гул вақтида бахтиёр
Пешини бадруд этиб, азми гулистон айлағай.


Бўлмағай гулшан киби рангину хўбу хушнамо,
Қоғаз узра гар киши тазҳиби афшон айлағай.

Гул дарахтин шоҳини ногаҳ чаманда, эй кўнгул,
Ҳар киши кўрса, хаёли шоҳи маржон айлағай.

Анга ўхшар – чашмани суйи чамандаким, биров
Кўзгун сайқал қилиб, шаффофу рахшон айлағай.

Сабзаи наврас чаманда бордурур, анга шабиҳ
Ким, киши зангорни тўқуб паришон айлағай.

Гар насим, субҳи дам гулшанда ўтса, ул замон,
Сунбули жўлида ҳам жондин паришон айлағай.



Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасида сақланаётган Аскарний Мирзонинг девони.

Ғунча яфроқ орасинда анга ўхшарким, киши
Тугмадин оройиши зебинда хоқдон айлағай.

Гул дарахтига қизил гул бордурур, андоқки, ёр
Ҳалқасин зийнат учун лаъли Бадахшон айлағай.

Булбули хушғў дағи, гулшанда гулни вақтида
Гулга боқиб ҳар замон, ташниъи райхон айлағай.

Богбон хилват этиб, гулшанни гулнинг вақтида
Ишрат аҳлин толиби мифтоҳи бўстон айлағай.

Бир замон наққош агар, гулшанни кўрса, рашқдин
Ҳамани музмар этиб, қоғазни пинҳон айлағай.

Ҳар қачонким, фориғ ўлса, ўзга ишлардин фақир,
Истимоъи гуфту ғуи Саъду Салмон айлағай.

Йўқ кишида ҳеч шугле ондин ортуғ, эй кўнгул,
Токи дом мидҳати султон Сулаймон айлағай.

Лутф этиб ожизни ул қилғай сарафроси жаҳон,
Хукм этиб фағфурни маҳкуми хоқон айлағай.

Хусрави мардумнавозу шаҳриёри сарфароз,
Лутф этиб, ул қатрани дарёи уммон айлағай.

Анга ўхшар олам ичра лутфини хосияти
Ким, чаманда доимо борони найсон айлағай.

Ҳар кишига гар иноят қилса ул бир лаҳзада,
Шафқатидин Хусрави Эрону Турон айлағай.

Кимдурур Фирдавсии Тусийки васфининг борида
Ким, жаҳонда шухрати тарихи деҳқон айлағай.

Бордурур жисми заифу нотавон, ҳажр илгидин
Ҳам магар лутфинг сени таскини хирмон айлағай.

Доимо хушвақт бўлки, эй кўнгул, ким оқибат
Ул Масиҳодам санга, мушкилни осон айлағай.

Аскарний, ул Хусрави соҳибқирон охир сени
Лутф этиб, олам аро мумтози ақрон айлағай.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ РЕФЕРЕНДУМИ



Қозоғистон президенти Қасим-Жомарт Тоқаев 15 март куни янги Конституция бўйича умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисидаги фармонни имзолади. Бу ҳақда президент матбуот хизмати хабар берди.

Фармонга кўра, референдумда “Сиз Қозоғистон Республикасининг 2026 йил 12 февралда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган янги Конституция лойиҳасини маъқуллайсизми?” деган савол қўйилади.

ПАРЛАМЕНТДА МУШТЛАШУВ

Туркия парламентида депутатлар Адлия вазирлигига баҳсли тайинлов тўғрисида мушталашди. Бу ҳақда Euronews хабар берди.

Можаро муҳолифатдаги Республика халқ партияси ҳамда ҳукмрон Адолат ва тараққиёт партияси ўртасида юз берди. Ҳодиса янги адлия вазири Акин Гурлек қасамёд қилаётган пайтда содир бўлган.



Муҳолифат депутатлари президент Ражаб Тоййиб Эрдоғон томонидан тайинланган Истанбул бош прокурори Акин Гурлекнинг парламентада қасамёд қабул қилишига тўсқинлик қилишга уринган.

СПИКЕР ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ
Қирғизистон парламенти (Жогорку Кенеш) спикери (тўроға) Нурланбек Турғун-

бек ўғли (Нурланбек Шакиев) истеъфога чиқди. Бу ҳақда унинг ўзи парламент йиғилишида эълон қилди.



У ўз қарорини ихтиёрий равишда қабул қилгани ва унга ҳеч қандай босим бўлмаганини билдирган.

НАЦИСТ РАМЗЛИ ЛИБОС СОТУВДАН ОЛИНДИ

Онлайн-Олимпия ўйинлари дўкони ОАВ танқидларидан сўнг, нацистлар Германиясида ўтказилган 1936 йилги Олимпиада рамзлари туширилган футболкани сотувдан олиб ташлади.

Италияда бўлиб ўтаётган киши ўйинлар арасида мусобақанинг расмий онлайн-дўкони (Халқаро олимпия кўмитаси бююрт-масига кўра хусусий британ компанияси томонидан бошқарилади) илгариги Олимп-



пидалар рамзларига бағишланган футболкалар коллекциясини чиқарган эди.

СИНГАПУР МУКОФОТЛАШДА ЕТАКЧИ

Сингапур Италиянинг Милан ва Кортина д'Ампеццо шаҳарларида ўтказилаётган 2026 йилги киши Олимпия ўйинларида ғалаба қозонгани учун энг катта мукофот (олтин медалга 788 минг доллар) тўлашни эълон қилиб, рўйхатда биринчи ўринни эгаллади. Бу ҳақда USA Today нашри хабар берди.





МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Баъзи одамлар наздида, гўё ҳеч ким қатагонга қарши бош кўтармай, мум тишлаган, сўз айтишга журъат этмаган, ноҳақ айблов, тухмат, бўхтонлар олдида тилини ичига ютгандек туюлади. Бундай тасаввур кўрқув ҳукм сурган муҳитни ҳисобга олганда, ҳатто тушунарли ҳам. Лекин архив ҳужжатлари бундай талқинни “ҳазм қилиш”га изн бермайди. Чунки қатагон ҳали авж олмасиданоқ, жамиятда кечаётган ноҳақликлар, зўравонликларга нисбатан ўз муносабатини қатъий билдирган, жасоратли, “тўғрилик орқасида бош кетса “иҳ” демайди” жадид боболаримиз, аждодларимиз кўп бўлган. Мана шундай жасур инсонлардан бири Исроил Ортиқов эди.

Исроил Ортиқов 1907 йили Қўқон шаҳрида хунарманд оиласида туғилган. Отаси дўппилар учун қўлиб тайёрлаб, уларни эски шаҳардаги дўконда сотиб рўзгор тебратган. Оила беш кишидан иборат бўлиб, бир хонали уйда яшаган. Бундан ташқари, момоси маблагга қурилган яна бир уй бўлиб, у ерда ижарачилар истиқомат қилган. Бироқ 1918 йилдан кейин бу уйнинг бир қисми бўлиб, қолган қисми коммунал хўжалик ихтиёрига бериб юборилади. Қаҳрамонимиз ўз таржимаи ҳолида қайд этганидек, “бундан ташқари оиланинг ҳеч қандай мол-мулки бўлмаган”.

Исроил Ортиқовнинг болалиги инқилоб ва фуқаролар уруши туфайли издан чиққан, беқарор йилларга тўғри келди. 1918 йил Фарғона водийсида ҳокимият учун кураш энг шаклсиз босқичга чиққан, айниқса, тинч аҳоли орасида қурбонлар сони кескин кўпайиб бормоқда эди. Ана шу оғир шароитда, совет ҳокимияти тикланаётган дамда дашноқлар партияси аъзолари хонадон тинчини бузди. Улар уйга бостириб келиб, оила бошини ташқарига олиб чиқади, оила аъзолари кўз ўнгида ўлдиради. Таассуфки, уша йилларда бундай қатллар оммавий тус олиб, кўплаб оилалар отасиз, тирикчилик устуниси қолган.

Икки йилдан сўнг онаси ҳам вафот этиб, Исроил болалик чоғидаёқ етим қолади. Бир муддат тўғри ақиси, темир йўл ишчиси Аҳмаджон Ортиқов қарамоғида яшайди. Бироқ бу таянч ҳам узокқа бормайди. 1927 йили Аҳмаджон Ортиқов касалхонада операция вақтида ҳаётдан кўз юмади. Исроил Ортиқовнинг ўзи бу воқеани ақасига нисбатан “душманларча операция қилинган” деб қайд этади. Шу тариқа, инқилоб йиллари Исроил Ортиқов тақдирига икки марта алаб етимлик муҳрини босди.

1919 йилдан сўнг ёш Исроил мустақил тирикчилик қилишга мажбур бўлади. Уша давр-

ҚАЙРИЛГАН ҚАНОТ



да сағир болалар учун танлов – ё ишлаш, ё оч-наҳор қолишдан иборат эди. Шу шароитда Исроил Қўқоннинг эски шаҳрида Исконбой номли бойниқидида уч йилга яқин батраклик қилади. Кейин катта ер ва ҳаммомга эга бошқа бир бой – ҳаммомчи Ҳожига ишга ёлланади. Бу ерда иккинчи ақиси Иброҳим Ортиқов билан бирга ишлайди. Сўнгра Фарғона жиноий қидирув идорасида хат ташувчи ва агент сифатида хизмат қилади. Ақиси армия сафига чақирилган, Исроил унинг ўрнида ишлаш бошлайди. Ҳужжатларга кўра, қаҳрамонимизнинг ақиси Иброҳим Ортиқов 1924 йилдан армияда хизмат қилиб, кейинчалик капитан унвонига эришган.

1925 йил Исроил Ортиқов ҳаётида янги босқич бошланади. У темир йўл транспортига ишга кириди. Аввалига товар поезидида кичик кондуктор бўлиб, кейин эса масъулияти ва интизоми туфайли станция бошлиғи лавозимида фаолият юритади. Поп, Ҳаққулбод, Кўгай, Пойтуғ ва Сереве станциялари орқали қатнайдиган Наманган йўналишида хизмат қилади.

1928 йили Бағдод тумани комсомол конференциясида Исроил Ортиқов туман комитети котиби этиб сайланади. Шу пайтдан бошлаб унинг бутун ҳаёт йўли комсомол фаолияти билан узвий боғланади. У турли йилларда Бағдод, Олтириқ, Қўва, Қўқон, Эски шаҳар ҳамда Фарғона округи комсомол ташкилотларида туман ва шаҳар котиби сифатида ишлайди. Бу лавозимлар уни жойлардаги ёшлар ҳаёти, ижтимоий муаммолар ва кадрлар сиёсати билан бевосита алоқа-юз қилади.

1930 йил декабрдан 1931 йил апрелгача Исроил Ортиқов Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Ташкилий бўлими мудирини бўлиб ишлайди. Орадан кўп ўтмай, шу жойда биринчи котиб лавозимига кўтарилади. Комсомолга у Қўқонда 1920 йилда кирган бўлиб, 1929 йилдан партия аъзоси ҳисобланади. Бу маълумотлар

қаҳрамонимиз фаолияти узоқ йиллик иш тажрибаси ва тизим ичидаги ўсиш натижаси эканини кўрсатади. Айни шу мақом ва ишонч уни қатагон арасидаги сиёсий муҳитни яқиндан кўриш, жойларда кечаётган воқеалардан ичдан бохабар бўлиш имконини берган.

Уша пайтда бегуноҳ, турли айблов, тухмату бўхтонлар туфайли тазйиққа учраб, қатагонга тутиб берилётган инсонлар ҳақида гапирган одам хатарга дуч бўларди. Бундай қайишувчанлик, ҳамдардлик “жиноятта шерик” тарзида баҳоланиб, уни айтган шахснинг ўзи ҳам таъқиқ гирдобига тортиб кетилган. Шундай бўлса-да, кўндан-кўп бегуноҳ одамлар чекаётган даҳшатларни катта минбарлардан туриб дадил айта олган кам сонли шахслардан бири қаҳрамонимиз бўлади.

Биз бундай жасоратни Исроил Ортиқовнинг 1932 йил 23 августда бўлиб ўтган ёшлар анжуманидаги мардонавор нутқида яққол кузатамиз. У беайб қатагон қилинаётган одамларни ажал домидан қутқаришга интилади. Манбаларда келтирилишича, Исроил Ортиқов уша анжуманда шундай дейди: “Мана сизларга ахлоқ тузатиш уйида бўлиб ўтган бир факт. Бу ерда 15 ёшда 3 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган бир бола ўтирибди. Бу бола ҳозирга-ча қамалиб ётиб, ёши 17 га етган. 16 ёшдаги бир бола бўлса, от ўғирлаб кетаётган одамни кўрган, лекин ўғрини ушлаш қўлидан келмаган, аммо ўғрини кўрганни сўзлагани учун қамалган... Ёки, бир камбағал бечора заём учун 10 сўм қарздор бўлган, унинг камбағаллиги инобатга олинди, қарзни тўлаш бир ҳафтага кечиктирилган. Шундай бўлса ҳам, шу иш учун бу камбағални аксилчилликда айблаб, суд қилганлар”.

“Мадағий турмуш даражаси ошиб бораётгани”, “янги ҳаёт шаклланаётгани” ҳақида даб-дабали ҳисоботлар берилётган бир пайтда, Исроил Ортиқов бу даъволар ҳақиқатдан йироқ

эканини аниқлашга уринади.

“Мен бир уй билан танишдим, – дейди у ўз кўрган-кечирганларини очиб баён этаркан. – Мана шундай бир том тағида бўлган қоронғи, зах уйларда бир хонада хотинлар яшайди, иккинчи хонада эркаклар яшайди, булар билан бир қаторда отхона жойлашган. Ушбу одамлар ёнида от, туя, ҳўкиз, эшаклар боғланган. Ҳамма биналар лойдан, тупроқдан ишланган бўлиб, ёғондан ишланган иморатлар бутунлай йўқ”.

Кўриб турганингиздек, бундай шахд ҳаммада ҳам топилавермас, айниқса, бу ҳолни минбардан туриб баралла айтишга ҳар кимнинг ҳам юраги дов бермасди. Бу чиқиш совет тузумининг, хусусан, Сталин давридаги қатагон оқибатлари очиб айтилган камёб ҳолатлардан бири сифатида тарихда қолди. Табиийки, бу каби чиқишдан кейин совет ҳокимияти гунаҳталари қаҳрамонимиз бошини силамаслиғи турган гап эди.


1937 йил 14 октябрда Исроил Ортиқов ҳибсга олиниб, бир йил давомида муттасил қийноққа солинади. 1938 йил 5 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси кўплаб шахслар қатори унинг устидан ҳам ҳукм чиқаради. Суд отувага маҳкум этади ва ҳукм ўша кунгидея ижро қилинади. Шу тариқа, кечагина комсомол ва партия тизимида ишончли раҳбар сифатида фаолият юритган инсон бир зумда “халқ душмани”га айланади.

Йиллар ўтиб Исроил Ортиқовнинг номи оқланади. “Гулистон” журналининг 1989 йил 4-сонида тарих фанлари доктори Петр Кимини “Қайрилган қанот ёхуд репрессия қурбони Исроил Ортиқов ҳақида” мақоласи эълон қилинади. Кейинчалик унинг ҳаёт йўли ва фаолиятига бағишлаб рисола ҳам чоп этилади. Бироқ совет даврида амалга оширилган бундай “расмий оқлов”лар қатагон фожиасининг муҳдиш оқибатларини юмшатмайди.

Асосий ҳақиқат шундаки, Исроил Ортиқов ва у каби минглаб қатагон қурбонларининг номи халқ хотирасига тўлақонли қайтариш фақат мустақиллик шароитидагина мумкин бўлди. Мустақиллик туфайли архивлар очилди, ҳужжатлар қайта ўрганилди, бир пайтлар “халқ душмани” деган тағма билан йўқ қилинган инсонлар номи ҳақиқий кадр топди. Бугун уларнинг номи адолат, жасорат ва ҳақиқат тимсоли сифатида тилга олинаётгани – эркинлик берган энг катта маънавий ҳазинадир.

Рустамбек ШАМСУДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАФОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Маҳмудхон Аҳмаджонов – 1896 йили Қўқон шаҳрида туғилган. 1910 йилгача жадид Салоҳиддин Маҳидовнинг янги усул мактабида ўқиган. 1915–1917 йилларда Қўқондаги тараққиётпарварлар ҳаракатида қатнашган. “Шўро ислом” жамияти масъул котиби, Туркистон мухториятининг фаол ҳимоячиси бўлган.

1919 йилдан Қўқон шаҳар ва уездда революцион комитет раиси, вилоят милицияси бошлиғининг ўринбосари, Фарғона вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

“Миллий иттиҳод” ташкилотининг раҳбарларидан бири сифатида, Обиджон Маҳмудов, Аббосхўжа Маҳмудхўжаев, Миён Қудрат Ҳазрат, Ҳамдамхўжа Қаландаров, Садриддин Махсум, Ашурали Зоҳирий, Мирзохид Мирзиқиров билан яқин алоқада бўлганликда айбланиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 2-банди ва 67-моддаларига асосан 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

Абдукарим Акбаров – 1907 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси. Аҳоли орасида миллатчилик руҳидаги аксилчилликнинг тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилигини айтганликда, очарчилик ва ҳокимият алмашинуви ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган. Ҳибсга олинган вақтда хизматчи бўлган. 2334-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган.

Мухторхон Мухаммедов – 1899 йили Қўқон шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аъзоси, миллий озолиқ ҳаракати вакиллари ёрдамчиси. Ўқитувчи бўлган. 1930 йили аксилчилликнинг фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Қўқон шаҳар бўлимининг 1749-сонли иши бўйича айбланган.

Миллатчилик тарғиботи олиб боргани, халқ душманларини мақтагани учун ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

Абдуқодир Қўшбеғиев – 1882 йили Андижонда туғилган. Худоберхон томонидан бош ҳарбий қўмондон этиб тайинланган. Рус-тузем мактаби ва гимназияда таълим олади. У “Тараққиётпарварлар” жамиятидаги инқилобий фаолияти учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган. Жазони Соловки оролидаги концлагерда ўтаган. Озод бўлгач, Тошкентда болалар уйида ишлаган.

1937 йил 9 августда яна қамоққа олиниб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан айбланган. У ўзига қўйилган айбларни рад этган. 1937 йил 10 августда муҳдиш улич ҳукми билан отилган. 1989 йил 15 сентябрда оқланган.

Ҳожи Низомиддин Обидов – 1869 йили Қизилтепа райони Арабон қишлоғида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилот аъзоси сифатида мағлубиятчилик, ифвогарлик тарғиботини олиб борганликда айбланган, 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулот бўлмаган. Жазо муддати 1937 йил 12 августдан ҳисобланган.

Мамат Ботиров – 1898 йили Наманган шаҳрида туғилган. Ўқитувчи бўлган.

1932 йили “Миллий иттиҳод” ташкилоти томонидан Туркияга ўқишга юборилган. Аксилчилликнинг тарғибот олиб борганликда айбланиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

Муҳиддин Ҳакимов – 1885 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотнинг собиқ саркори ва миллий-озодлик ҳаракати ташкилотчиларидан бири. Аксилчилликнинг тарғибот олиб борганликда айбланган. Жазо муддати 1937 йил 9 июлдан ҳисобланган.

Азизбек МАҲҚАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,
музеий илмий ходимаси

(Давоми келгуси сонда).

ЯНГИ НАШР

“JADID” KUTUBXONASI” ЖАВОҲИРЛАРИ

“Jadid” газетаси ташкил этилганидан буён тахририят билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётган, газетачиликнинг иссиқ-соғуғини бирга тотиб, ҳар ҳафта илмий ва расмий вазифаларидан ортиб, илм хазинасидан оммага улуш ажратиб бераётган икки олимни алоҳида эътироф этамиз. Булар фидойи устозларимиз – тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдинов ҳамда филология фанлари доктори Баҳодир Карим. Бири қатагон қурбонлари, бири жадид адабиёти борасида нашримизнинг таянч устунларидан ҳисобланади.

Газетанинг икки йиллик тахламини варақлар эканми, уларда мазкур профессорларимизнинг мақоласи чиқмаган сонни топа олмадик. Мақолалар ичидан эса энг сараларини сайлаб, китоб ҳолига келтириш фикри пайдо бўлди. Чунки шиддатли замонада доим ҳам газетани қидириб топиш, зарур мақолани белгилаш осон бўлмайди. Китоб эса маълумотларни яхлит кўра олиш, қиёслаш ва таққослашни осонлаштиради.

Шу маънода, “Jadid” kutubxonasi” рукнининг нишонаси бўлган икки китобни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этамиз.

“МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ”

Маълумки, 1937–1953 йилларда 100 мингдан зиёд юртдошларимиз мустақил тузум қатагонига учраган. Уларнинг 13 минг нафари отиб ташланган, ўн минглаб кишилар сургун қилинган. Улар орасида атоқли давлат ва сиёсат арбоблари, илм-фан намояндалари, ижодкор зиёлилар, диний уламолар, ҳарбий соҳа ва суд-ҳуқуқ тизими ходимлари, ишчи-деҳқонлар ва уларнинг оила аъзолари бўлган.

Бугунги кунда қатагон қурбон-

ларининг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, уларнинг номлари ва хотирасини абадийлаштириш бўйича юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сўнгги сажиз йилда 1 минг 200 дан зиёд сиёсий қатагон қурбонининг номлари оқланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Китобга сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султон таъкидлаганидек: “Совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган қатагон сиёсатини республикамизда биринчилардан бўлиб тадқиқ этган Рустамбек Шамсутдиновнинг Ватанимиз тарихига оид, махфий архивларда ёпиқ сақлаб келинган нодир



ҳужжатларни атрофлича ўрганиб, тарихий ҳақиқатни тиклаш йўлида сабр ва матонат билан ишлаши, нафақат юртимиз, балки қатор хоржий мамлакатларнинг илмий фондларида мунтазам равишда изланишлар олиб бориши, тўпланган ноёб материалларни Ўзбекистонга олиб келиб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиши, илмий истеъмолга киритиши ҳар жиҳатдан ибратлидир”.

Рустамбек Шамсутдинов қаламига мансуб “Миллат фидойилари” китобида ана шу тадқиқотлар объекти бўлган 40 нафар инсоннинг ҳаёти ва фаолияти, аянчли тақдирига оид янги ва аниқ маълумотлар акс этган. Ҳозирги мураккаб ва таҳлика-

ли даврда мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тарихимизнинг номаълум саҳифаларини тиклаш ва илмий нуктаи назардан чўқур ўрганиш йўлидаги бу саъй-ҳаракатлар юртдошларимизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Китобдан олинган қуйидаги парчаларни ўқир экансиз, мустамлакачилик ва қатагон сиёсатининг фожиасини теран ангайсиз:

“Маълумотларга кўра, у ўзи тўлғаган шахсий варақасида “Қайси тилларда эркин гаплаша оласиз?” деган саволга “форс, рус, турк, қозоқ, ўзбек, француз, лотин тилларини биламан”, деб жавоб қайтарган. Лекин у ўзининг қатъий дунёқарашига эга бўлган шахс сифатида совет сиёсатчилари билан тил топиша олмади” (“Биринчи миллий юрст”).

“Бу кунлар қанча оғир ва муҳдиш бўлмасин, кўз ўнгимдан бир минут нари кетмайсизлар. Менга қараб “Қачон келасиз?” деган сўзингиз ҳозиргина айтилгандай қўлоғимга товуш бериб турар. Раҳбар, мен маънавий жиҳатдан ўлик ва руҳий тарафдан соғлигини йўқотган, қолаверса, ҳамма нарсадан жудо бўлган, айниқса, Ўзбекистоннинг неча қизлари ичидан саралаб, зўрға дийдорига етган суйгилимдан узоқдаман” (“Мен аёл зотида бир жаҳон кўрдим”).

“Уша йил кузагидея Бутабой Дабоев билан яна бир қизиқ ҳолат содир бўлади. Фарғонадаги “Военное собрание” биносида спектаклга кирмоқчи бўлганида, унга “сартглик учун” патта сотишмайди” (“Бўрондан қучли”).

“БОТМАСИН ЧИҚҚАН ҚУЁШ”
Ҳазрат Амир Алишер Навоий: “Қуёшлик истасанг, қасби камол эт”, деб ёзади. Қасбда камолга етгач, яна бир вазифани қўяди: “Хунарни асрабон нетгумдир охир, Олиб тупроққа-

ми кетгумдир охир?”

Ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини ана шундай эзгу тамойиллар асосида бунёд этиб келаётган Баҳодир Каримнинг ушбу китоби олтимши ёшини қаршилаётган олимга “Jadid” газетаси тахририяти, муассислари ва муштарийлари номидан самимий тўхфа бўлди.



Аёнки, илмий услубдаги асарлар аксар ҳолларда хослар учун, тўр доирадаги мутахассислар учун ёзилди. Шунинг учун ҳам, унда мураккаб ифодалар, луғатталаб сўз ва атамалар, зич ва шиддатли тафаккур оқими устунлик қилади. Бу борада ўзини олим ҳисоблаган зот борки, қалами равон юради. Аммо ана шу илмий услубни кенг ўқувчилар оммасига мослаш, оддий китобхон ҳам тушунадиган тилда етказиб бериш осон юмуш эмас. Чунки бунинг учун илм ва тажрибадан ташқари, ижодкорлик, ёзувчилик ва албатта, жамият томир уришини ҳис қиладиган сезгирлик талаб этилади.

Баҳодир Карим илмда ҳам, ижодда ҳам, илмий ва оммабон нашрларда ҳам фаол олимлардан. Хусусан, 2024 йил 1 январдан буён “Jadid” саҳифаларида чоп этилган юздан ортиқ материал – мақола, таҳлил ва тақрирлар мутахассислар ва ўқувчилар томонидан илиқ қутиб олинди, ижодий баҳс-мунозара уйғотди. Ана шу мақолалар орасидан энг сара-

лари танланиб, бир муқова остига жамлангани хайрли иш бўлди. Муаллифнинг жадид адабларининг етакчи ғоялари, фаолияти, асарларининг таҳлилига бағишланган битиклари ўзига хос миллий пафоси билан ажралаб туради. Жадид матбуотидан заррама-зарра жамланган маълумот ва манбалар замон билан уйғун талқин этилади.

Шунингдек, китобдан жой олган қардош миллат адаблари ва адабиётига доир мақолалар ва бошқа турли ижтимоий-маърифий мавзуларда ёзилган фикр-мулохазалар ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Сарлавҳалардаёқ бу китоб қандай маънавий озуқа ваъда қилаётгани аёнлашади: “Навойнинг отини олтин билан ёсайлик”, “Бобурнома” ўқийтган Отабек”, “Чингиз Айтматовга эргашган адиб”, “Озарбайжонда “Уткан кунлар”, “Ун бир ойнинг султони”, “Мажлисдан ҳайдалган Мажлисий”, “Журъат сабоги”... Мундарижанинг тузилиши ҳам рамзий маъно касб этади. Ундаги олтимши мақола олтимши йиллик умрга ишора қилади.

Дарвоқе, ҳазрат Навоий ўқитганидек, Баҳодир Карим биланларини асраб ўтирмайди, уни нафақат талабалар ва шоғирдларига, балки бутун халққа тақдим этади. Чин зиёли олимимизга баракали умр ва сермахсул ижод тилаб қоламиз.

Ҳар икки китобнинг ноширлик иши намунали бўлиб, оригинал муқова, ўзига хос дизайн ўқувчини ўзига тортади, матнлар билан бирга берилган суратлар мавзуни тўлдирди, танланган қозоқ кўзини чарчатмайди, диққатни бўлмади.

Маълумот учун, “Jadid” kutubxonasi” рукнида 2025 йили “Тилда, фикрда, ишда бирлик!” номли йилнома тўплами чоп этилган. Яқин кунларда ушбу тўпламнинг иккинчи жилди ҳам ўқувчилар қўлига етиб боради.

Отабек БАКИРОВ



АДАБИЁТ — ХАЛОСКОР КУЧ, НАЖОТ ТУЙНУГИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, “Жаҳон адабиёти” журналі бош муҳаррири Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ билан суҳбат

— Устоз, “Жаҳон адабиёти” журналі ташкил этилганига қарий 30 йил бўлди. Қисқа муддат ичида машхурлик ва манзурлик ботида “отaxon” журналлар сафидан муносиб ўрин олди. Сиз ҳаёт ва ижодда катта тажриба тўплаган пайтингиз ушбу журналга Бош муҳаррир бўлдингиз. Келинг, суҳбатимизни шундан бошлайлик.

— Ўзбек миллий матбуоти оғир ва машаққатли йилни босиб ўтган десак, хато бўлмайди. XX асрнинг 20–30-йиллари журналистикаси, жумладан жадидлар публицистикаси бизга бугун жуда катта сабоқ, маҳорат, журъат мактаби бўлиб турибди. Журнал жамоаси ана шу оптин силсилага қўшилганидан ҳаммамиз хурсандимиз. Матбуот билан боғлиқ тақдирим шундай кечдики, менга “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида икки улуғ устоз — Асқад Мухтор ва Одил Ёқубов бошлаган журъатли ишларни, “Жаҳон адабиёти”да эса яна бир устоз Озод Шарафиддинов шакллантирган маҳоратли жамоани бошқариш насиб этди. Шу боис, омадим келганидан хурсанд бўлиб, ишга жиддий киришдим. Бунинг асосий сабаби — дунё бугун шиддат билан ўзгариб бормоқда. Одамларнинг ҳаёт тарзи, инсоний муносабатлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар қайси томонга оғайтганини билиш қийин ва бу жараён хали-вери тугамайдиганга ўхшайди. Инсон тафаккури Қуёш системасини орта қолдириб, ундан ақл бовар қилмас узоқликдаги галактикаларгача етиб борди, айни пайтда салмоғи нари борса “Қуванинг анорича” бўлган Ерда қонли талотўплар, ер, сув, бойлик таллашиш, бўлинган, тилкаланган худудларни қайта тақсимлаш, беғуноҳ одамлар устига ўқ ёғири, бомба ва снарядлар ёғдириш авжга чиқмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Сунъий интеллект сиз хоҳлаган мавзуда илмий мақола, диссертация ёзиб бериши, шеър тўқиши, номингиздан севги изхор қилинган мактублар ёзиши бугун оддий воқеа бўлиб қолди. Илмий тафаккур шу йўсинда ривожланар экан, орадан маълум вақт ўтиб, китоб дуконларида роботлар қаламига мансуб романлар, саргузашт қиссалар, шеърӣ тўпламлар пайдо бўлиши мумкин. Шу ҳавотир боис, Шукур Холмиразевнинг машхур “Адабиёт улаҳими” деган саволи ёдга тушади. Бугун бундай тушуниқсиз, мавҳум вазиятда бадий адабиёт нима бўлади, у ҳам янги шароитга мослашадими ёки ўзининг аввалги тарбиявий маъноси, таъсир кучини сақлаб қоладими, деган савол туғилади. Негаки, адабиёт деб аталмиш ёзма неъмат азал-азалдан Инсон қалби, руҳи учун хизмат қилиб келган. Одам насли бошига оғир фалокатлар ёғилганда, омонлик йўллари торағанда, турфа ихтилофлар жонини гаровга олганда адабиёт халоскор кучга, нажот туйнугига айланган.

— Журналда асосан бошқа тиллардан қилинган таржималар берилади. Ўзбек тилига ўтирилган асарларни нашрга тайёрлашда нималарга эътибор берасизлар?

— Бу жараён осон кечмайди, албатта. Ўзбек адабиётида таржимонлик мактабини яратган кўп-кўп устозлар оламдан ўтиб кетишди. Бугун уларнинг издошлари майдонга чиқишаётир. Маҳорат деганлари бир кунда пайдо бўлмайди. Аммо ёшлар орасида турли хорижий тилларга тиши ўтаётган таржимонлар кўпайётгани катта ютуқ. Таржима учун асар танлашда бизнинг талабимиз қуйидагилар: асар бадий мукамал бўлиши, мавзу ва мақсади жиҳатидан ўқувчиларимизга бирор наф келтириши, таржимон асар руҳи ва муаллиф услубини сақлашга ҳаракат қилган бўлиши керак.

— Журналда эълон қилинаётган асарларнинг ҳаммаси ҳам шу талабга жавоб берадими?

— Шундай бўлиши учун таржимонлар билан жиддий ишлашимиз, матн икки-уч бор тахир қилинади. Баъзан битта сўз ёки ибора устида тортишиб ҳам қоламиз.

— Бугун биз тамомла янги шароитда яшамокдамиз. Дунё ўзгариб кетди. Қарашлар, принциплар ўзгарди. Бундай пайтда журналистика қандай йўл тутгани маъқул?

— Бугун “эски” профессионаллар ва ёш ижодкор авлод ўртасида ўзига хос қарашлар кураши давом этмоқда. Бир томон матбуотнинг таъсирчанлиги муҳим деса, иккинчи томон: “Йўқ, тезлик муҳим” дейди. Бу, афсуски, озчиликнинг фикри эмас. Журналистикани “тик-ток”лаштириш, соҳани роботлаштириш ҳаракатлари ва IT гигантлари босими ОАВ фаолияти таъсирчанлигини кескин пасайтириб юборди. Баъзан “Қоғоз журналистиканинг умри тугаб бормоқда” деган ўта масъулиятсиз гаплар ҳам қўлоққа чалинади. Иккинчи томондан, йирик медиа тузилмалари мўмай даромад ортидан қувиб, соҳанинг ижтимоий масъулияти ҳамда ахлоқий қондаларини менсимай қўйди. Баъзи узоқ-яқин жойларда матбуот турли босим ва таъйиқлар остида фаолият юритаётир. Бунинг оқибатида нашрлар ўз олдидариди янги ижтимоий-маънавий бурчларидан чекинди, “Хўжайин”ларнинг талабига қараб иш тутмоқда.

Бу баҳсда мен ҳаммаша эркин, холис, тезкор, таъсирчан, жамиятдаги маълум муаммоларни олдидан қўриб, бонг урадиган журъатли журналистика тарафидан.

— Матбуотда биринчи мақолангиз чиққанига олтимиш йилдан ошибди. Кўп яхши-ёмон ҳолатларни бошингиздан ўтказгансиз. Бирор марта бўлсин танлаган касбингиздан ҳафсалангиз пир бўлганми?

— Йўқ, бундай ҳолат бўлмаган. Аксинча, мен журналист касбини танлаганимдан фахрлиб юрман. Мендан бир талаба: “Агар журналист бўлмаганингизда бошқа қайси касбни танлаган бўлардингиз?” деб сўради. Мен “Яна журналистикани танлаган бўлардим” дедим. “Журналистика: 100 саволга 99 жавоб” деб номланган китобимда бир савол бор: “Бу оламдан ҳаммамиз ўйиб кетамиз. Мўъжиза содир бўлиб, 100 йилми, 200 йилми, қачондир бу дунёда бир кунга бўлсин қайтиб келсангиз, бу ёруғ оламни қайта қўришни нимадан бошлардингиз?”. Бу саволга тўхтамай, “Киоскалардан бир неча газета сотиб олиб, уларда қандай мавзулар ёритилаётгани, адади, қалам ҳақи қанчаллигига қизиқардим”, деб жавоб берганман.

— Бугун ёш ижодкорларга алоҳида эътибор берилмоқда. Ёш қалам соҳибларининг биринчи китоблари чоп этилаётир. Адабиётга кириб келаётган ёшларнинг ижод намуналарини сизни, умуман, устозларни қониқтирадими?

— Қониқтирадигина эмас, уларнинг айримлари га ҳавасимиз ҳам келади.

Давлатимиз раҳбари адабиётга, жамиятда соғлом ижодий муҳит бўлишига алоҳида эътибор бериб, истеъдодли ёшларни аниқлаш, тарбиялаш, адабий жараёнда тортишни Ёзувчилар уюшмаси олдида гоъта масъулиятли вазифа сифатида қўйди. Бу борада салмоқли ишлар қилинапти. Ижод мактаблари гуриллаб ишлаётир. Зомин семинарига борган бўлсангиз, ўша ерда ҳар йили янги-янги шоирлар, публицистлар, таржимонлар кашф этилади. Кўплари бундан йигирма-ўттиз йил аввалги ижодкор тенгдошларидан кескин фарқ қилади: фикрлари кенг, журъатли. Машқларда янгича бир ҳарорат, ҳиссий туйғу бор. Буни, албатта, эътироф этиш керак.

— Бугун мамлакатимизда китобхонликка давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти. Аммо адабий дид ҳақида мушоҳада камроқдай...

— Адабиётнинг муҳим вазифаларидан бири ҳаёт воқелигини бадий ифода воситалари орқали тасвирлашдан иборат. Адабиётни, демакки, бадий тафаккурни юксак мақомда тутиб турадиган, ўқувчини образли мушоҳадани тўғри идор этишга ўргатадиган ўзгармас қоида бу. “Таом ейилса, тўн кийилса, от минилса маъқул” деганларидек, ижод маҳсули, у қайси жанрда ёзилган бўлмасин, савияси банданд, эга-кесими ўрнида, тишли-фикрли бўлса, албатта, ўқилади. Бугун адабиётимизда юксак савияли асарлар билан бирга, турфа хотиралар, умр йўллари ва улардан англашиладиган ҳулосалар асосида ёзилган меъмулар ҳам яралмоқда, бунинг ёмон жойи йўқ. Аммо... ўқувчи учун уларнинг ҳаммаси — ҳазрати



китоб. Китобхон бўлмоқчимми, мукофот олмақчимми, демак, ўқиши керак. “Мен ўн та китоб ўқидим, ўн бешта ўқидим” дейиш учун-да. Бу — нотўғри йўл. Биз бугун ёшларимизда қандай асарларга қизиқиш борлиги, қандай асарлар ўқилаётгани, бошқа муҳим асарлар эътибордан четда қолаётганини аниқ тасаввур қилишимиз, ёшларга ўқиш учун китоб тавсия қилишда адашмаслигимиз зарур.

Чингиз Айтматовнинг аксарият қиссалари қирғиз халқининг қувончу ташвишлари ҳақида. Аммо нега энди “Жамила” дунё халқларининг юздан ортиқ тилига таржима қилинган? Биргина Германияда ушбу қисса қирқ марта нашр қилинибди. Жамиланинг ёшидаги олом аёл қаерда-ю, қирғиз Жамила қаерда? Мана шу ерда бир уйғунлик бор: аёл ҳамма жойда ҳам аёл, у ҳамма жойда севини, севилиши, журматга сазовор бўлиши керак. Бунинг учун курашиш айб эмас.

Журналининг ҳар янги сонини режалаштиришда биз тахририят почтаси билан қаноатлиб қолмаймиз, адабий жараёнда қандай янгиликлар бор, қандай оқимлар пайдо бўляпти, деб кузатиб борамиз. Авваллари ҳинд, араб, форс адабиётига, энди япон, корейс, хитой адабиётига қизиқиш кучаймоқда. Шу адабиётлардан қилинган таржималарни ўқийми, тақриржа берамиз, адабиётшунослардан маслаҳат оламиз. Аммо Болтиқбўйи, Кавказолди, Узок Шарқ минтақалари адабиётидан таржималар беришда оқсаямиз. Авваллари энг машхур асарлар совет тузуми пайтида рус тилидан таржима қилинган. Қизил мафкура қоллиларига тўғри келмайдиган жойлари қисқартирилган. Бу бўлишқи тўлдириш ҳам бизнинг зиммамизда.

Бир вақтлар, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида устозимиз Сайдулла Саломов “Таржима назарияси” деган кафедрга мудирлик қилиб, ҳаммамизни таржимонлик маҳоратига ўргатган. Шу кафедра ни тиклаш вақти келди, назаримизда.

— Устоз, журналдан журналистикага қайтасак. Саксон ёшни қаршилаётган, қарий 60 йиллик тажрибага эга журналист сифатида бугунги кун ушбу соҳада кадр тайёрлаш тизимини қандай баҳолайсиз? Талабаларга айтар гапингиз ва тавсияларингиз борми?

— Афсуски, бугун журналистика факультетларида ўқийтган талабаларнинг кўпи тўрт йиллик умрини беҳуда совураётганини қўриб ачинаман. Танлаган касбларига қизиқиш йўқ. “Қани, сўнгги ҳафта ичида газеталарда чоп этилган қайси мақолаларни ўқидинглар?” деб сўрасангиз жим туриб қолишди. Битта талаба ўрнидан даст туриб, “Устоз, сиз бизни газета ўқишга мажбурлапсизми?” деди ажабланиш билан. Бу гап кимга ёқар, кимга ёқмас, аммо ҳақиқат шуки, бундай талабалар кечаси машина бозориди, дорихона ёки кафеда, яна бошқа бир жойда ишлайди. Эрталаб ўқишга боради. Қўлида бир варақ қоғоз йўқ. Утган дарсни сўрасангиз, энсаси қотади.

Қоҳира университетиди журналистика факультети фаолияти билан танишганман. Ўқув йили бошида, масалан юзта абитуриент ҳужжат топширса, ҳаммаси қабул қилинар экан. Бир семестрдан кейин ўзлаштириш кўрсаткичига қараб охириги йигирма бештаси талабалар сафидан чиқарилади. АҚШ, Франция, Бельгияда бўлажак журналистларни асосан мустақил фикрлашга, таҳлил, қиёс, баҳс олиб бориш, ишонтириш маҳоратига ўқитишади. Ҳар бир муаммо ечимни юзасидан тўғрими, баҳслими, ўз фикринг бўлсин, уни қисқа ва тушунарли ифода этишинг керак, дейишади.

Биз ҳам шу тажрибалардан фойдаланишимиз мумкин-ку. Аммо... ҳозирча журналистикага жиддий қизиқиш, ўқувчилик йиллариёқ қўлига қалам олиб, хат-хабарлар ёза бошлаган талабалар сонини бу соҳага тасодифан кириб қолган талабалар сонидан кўп эмас. 1969 йили журналистика факультетида кириш учун ҳужжат тайёрлаганим-да, кейинги беш йил ичида матбуотда эълон қилинган эъландан ортиқ мақоламини ҳам топширганман. Уш вилоти газетаси тахририятдан “Бу йилги бизда фаол қатнашиб туради, қўли анча келиб қолган, ундан яхши журналист чиқиши мумкин”, деган тавсия ҳам олиб келганман. Таасуфки, бу талаб бугун йўқ. Ҳар ўқув йилида факультетга қай даражадаги ёшлар келишини билмаймиз. Бир йили битирувчи талабалар билан суҳбатлашар эканман, уларга: “Нима учун журналистикани танлагансиз?” деган савол бердим ва жавобини аноним тарзда ёзишларини сўрадим. Аудиториядаги 52 нафар талабадан 14 нафари телесуҳандон бўлишни орзу қилишган, тўрттаси “Фалончи дикторнинг костюмчиқларини ҳавас қилганман”, деб ёзди.

— Утган йили тўртта китобингиз чоп этилибди. Газеталарга мақолалар ёзасиз. Газетамизда босилган “Чўзма лағмон”ни мириқиб ўқидим. Шунча ишга қандай улгурасиз?

— Китоблар бир кунда ёзилмайди. Кўп йиллик изланиш, меҳнат маҳсули. Мухаррирлик мени (қўлида қалами бор бошқа муҳаррирларни ҳам) тез ишлашга, шу куннинг муҳим гапини бошқалардан кўра аввалроқ ҳис этишга, қоғозга туширишга ўргатди. Иш фаолиятида турли ҳолатлар бўлиб туради. Олднингизга таниқли устоз ижодкорлар, истеъдодли ёшлар келади. Журнал талабаларидан келиб чиқиб, кўп таржималарни қайта ишлаш зарурлигини айтаман. Баъзан бошқа бир муаллиф таржима қилиб, аллақачон китоб бўлиб чиққан ишлар ҳам келади. Қайтарамиз. Жуда ёқимсиз ҳолат юзага келади. Бир ижодкорнинг ишини қайтариш учун муҳаррирнинг ўзи ижодкор бўлиши керак.

— Аҳмаджон ака, икки улуғ даҳо — Алишер Навоий ва Заҳриддин Мухаммад Бобур таваллуд топан кунларда Сиз билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Журналда бу зотлар ҳақида кўп мақолалар берилади...

— Аввало, буюк боболар қатори бу икки даҳога

бўлган муносабат кейинги йилларда нафақат юртимизда, балки дунёда тубдан ўзгарди. Тўғрироғи, Президентимиз олиб бораётган тарихий адолат сиёсати бошқа мамлакат ва халқларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Алишер Навоий номиди халқаро мукофот таъсис этилиши, Андижонда Бобур шаҳри барпо этилиши баробарида қуни кеча Пакистоннинг Исломободиди Бобур боғи бунёд этилгани оламшумул воқеадир. Башариятга намуна тарзида кўрсата оладиган маънавий хазина ўзига хос маърифий дипломатия бўлиб, миллиятни танитишга, хурмат қилишга ва ҳисоблашишга асос бўлади. Бизнинг қўлимизда ана шундай қудратли восита бор. Фақат буни ўзимиз, айниқса, ёшларимиз теран ҳис қилиб, чуқурроқ ўрганишимиз керак.

Шу маънода журналимиз аънамага кўра Алишер Навоийга бағишланган тадқиқот мақола билан бошланади. Менинг ўзим публицист сифатида шу икки даҳонинг мактубларини жиддий ўрганаман. Беҳбудий ўзининг “Хат ёзмоқ шартлари” мақоласида бадий асар ёзишда бўлгани каби, хат ёзишда ҳам маълум қоида ва шартларга амал қилмоқлик лозимлигини ўқиради: “Хат бориб тегадурон одамни мулоҳаза қилиб, онни фаҳм ва билишига мувофиқ ёзмоқ лозим. Хатни камсўз, серъмано ёзмоқ керак. Ҳазаб ва хафалик ва ё нихоят хурсанд ва беҳушлик вақтинда хат ёзмай, ҳолати даражи эътидолга келганда мактуб ёзмоқ авлодур”.

Мактубнавислик — мураккаб санъат. Иншо, муношаот ҳам ижод. Абдурахмон Жомий ҳамда Алишер Навоийнинг бир-бирларига ва бошқа улғу инсонларга ёзган мактублари нихоятда ноқис ва зариф, нуқтадонлик ва меҳрибонлик туйғуларини билан сўғорилган. Бобурнинг шахсий ҳаёти ва қолдирган бой маънавий мероси унинг шох ва шоир сифатидаги мураккаб тақдирини ўрганиш билан бирга, бугунги янги авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода унинг фарзандларига ёзган мактублари давлат ароби, саркарда ва шоир ҳақидаги таасуротларимизни бойитиши, унинг замонга, ён-атрофиди кечаётган воқеаларга, фарзандларига нисбатан муносабатини ойдинлаштиради.

Бир-икки мисол. Бобурнинг ўғли Жумоюн мирзога йўллаган махфий мактуби (васияти) да қуйидаги сатрлар бор: “Эй фарзанд! Ҳиндистон мамлақати турли мазҳаблардан иборат. Суҳбонло толо ҳаққи сенга буюрилдики, ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарасан, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл. Хусусан, сиёрини қурбон қилишдан сақлангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоғи ва бу вилоят аҳлини подшоҳга яхши назар билан боғлайди. Исломининг тараққиёти эҳсон тўғи билан яхшироқдур, зулм тўғи билан эмас. Аҳли суннат ва ишларининг иқир-чиқирдан кўзинани юм. Чунки исломга қаршилар бор. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгинки, шунда салтанат ҳар хил ташвишлардан холи бўлади”.

Бобур Ҳумоюннинг жавоб мактубларини ўқир экан, улардаги хато ва гализликларни қўриб, ўғлини қийишти: “Яна мен дегандек, бу хатларини битибсен ва ўқумайсен, не учунки, агар ўқур ҳаёл қилсанг эди, ўқуйолмас эдинг. Ўқуйолмаганин сўнг, албатта, тағийр берур эдинг. Хатининг худ ташвиш биле ўқуса бўладур, вале асру муғлақдур. Насри муаммо ҳеч киши кўраан эмас. Илмонг ёмон эмас. Азарчи хейли рост эмас, илтифотни “то” била битибсен, қулунжи “ё” била битибсен. Хатини худ ҳар таёр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозиндин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. Фолибо хат битирда қоҳиллигини ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсан, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бет такаллуф ва равшан ва пок алфоз била бит: ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқигучига”.

Ҳумоюнга ёзилган хатлардан бирида маълум бўладики, ота набирали бўлганини эшитиб, хурсанд бўлади, аммо унга қўйилган исмдан ранжийди: “Исмига “ал” қўшилмайди, “Альамон”ни эл “Аламон” деб талаффуз қилади. Исм қўйишда авомнинг талаффузини инобатга олмақ керак.

Бу маълумотларни келтиришимдан мақсад, имло масаласи фақат Ҳумоюнга эмас, бугунги кўп ёшларимизда ҳам ноҳор аҳволда. Кўп ёзувимиз йўқолиб бормоқда. Бунга бевъзир бўлмаслигимиз керак.

— Самимий суҳбат учун катта раҳмат, устоз! Соғ-омон бўлинг!

Суҳбатдош:
Зарнигор ИБРОҶИМОВА



Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Акмал Жумамуродов

Адади — 18 727
Шундан:
Кирилл ёзувида — 6 618
Лотин ёзувида — 12 109
Медиа кузатувчилар — 85 061
Буюртма: Г — 239
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи — 222.
Ташкилотлар учун — 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ